

МАКТАВ VA НАҲОТ

«ШКОЛА И ЖИЗНЬ» НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

*Ilmiy-metodik jurnali***УШБУ СОНДА**

- ➔ 2 **Р.ЖЎРАЕВ, Ю.НАРОЛЬСКАЯ** - Бошланғич синф ўқувчиларини касб ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш
- ➔ 4 **Ж.А.ПЎЛАТОВ** - Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунар коллежларига йўналтиришда компонентлар интеграцияси
- ➔ 5 **Б.ХАЛИЛОВА** - Шахсга йўналтирилган машғулотларнинг самарадорлиги
- ➔ 8 **Т.БОБОШЕВ** - Оилада экологик тарбияни шакллантириш
- ➔ 10 **О.ҲАЙИТОВ, С.ДЖАЛАЛОВА** - Замонавий таълим менежери карьерасининг ижтимоий-психологик жиҳатлари
- ➔ 12 **С.ТУРСУНОВА** - Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларни овоз модуляциясининг баланд-пастиги бўйича тадқиқ этиш йўллари
- ➔ 13 **С.ҲАЙДАРОВ** - Ўзбекистон тарихи дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиш
- ➔ 14 **Ф.УМАРОВА** - Мактаб базасида малака ошириш: амалий тажрибалар
- ➔ 18 **М.РИМОВА** - Хуқуқий тарбиянинг психологик тамойиллари
- ➔ 19 **А.З.ТОШҚЎЗИЕВА** - Абдулла Авлоний ижодий меросида иқтисодий тарбия талқини
- ➔ 21 **М.Э.ЖУМАЕВ** - Ўқувчиларнинг ижодий шахс сифатида ривожланишини кучайтириш масалалари
- ➔ 24 **Н.Н.ШОМУРОВА, Ф.Н.ТОШПЎЛАТОВА** - Шахс хулқини шакллантиришда ижтимоий рекламаларнинг ўрни
- ➔ 26 **Д.С.САИДАҲМЕДОВА** - Чизмачилик дарсларида компьютердан фойдаланиб оддий чизмаларни бажариш
- ➔ 29 **Г.ИСЛАМОВА** - Отношения родителей и детей как психолого-педагогическая проблема
- ➔ 31 **Р.Н.ЭРГАШЕВ** - Эстетическое содержание бесед с младшими школьниками о прекрасном в природе: рекомендации будущему учителю
- ➔ 34 **О.В.БОГОМОЛОВА** - Развитие логических приёмов мышления у детей старшего дошкольного возраста при помощи занимательного математического материала

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТАҲРИРИЯТ

Бош муҳаррир Р.Ҳ.Жўраев
Бош муҳаррир А.Ш.Закиров
Ўринбосари
Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Муслимов,
Ҳ.Рашидов, Ў.Толипов, Ш.Эргашев,
К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусахҳиҳлар Г.У.Рашидова,
Е.А.Исаханова
Компьютерда териш
ва дизайн И.Рахимжанова,
М.Холиқов

Журнал
2001 йилдан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Кушбеги мавзеси
16А уй, «МАКТАВ va НАҲОТ» журнали
Тел: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келавермайди. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

Журналдан кўчириб босилганда
«Maktab va hayot»дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

ИЛОВА:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4 синфлари учун «Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари» курси бўйича ўқув дастури
2. Шарқона тарбиянинг асл моҳияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ

Р.ЖЎРАЕВ - педагогика фанлари доктори, профессор
Ю.НАРОЛЬСКАЯ - тадқиқотчи



Оммавий тажрибада бошланғич синфларда касбга йўналтириш ишлари, одатда, ё ўтказилмайди ёки баъзи ҳолларда, фарқланмаган тарзда ўтказилади. Бу эса ўқувчиларда юқори синфга ўтган пайтида ҳам саросималаниш, касб танлашни хоҳламаслик каби ҳолатларнинг ҳам кузатилишига олиб келади. Айни пайтда, айрим мактабларда бошланғич синфдаёқ ўқувчиларнинг яширин имкониятларини юзага чиқариш, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда ривожлантириш, ўз имкониятларини фаол тарзда синаб кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида меҳнат фаолиятини шакллантириш бўйича мактаб фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, педагог нуқтаи назари ва унинг бу ишга қай даражада тайёрлигига боғлиқдир.

Бир неча йиллар давомида бошланғич синфларда касбга йўналтириш ишлари тажрибаси ўрганилди. Ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижалари меҳнат таълими ва тарбияси ҳамда касбга йўналтириш масалаларида аксарият ёш ўқитувчилар (87%) нинг катта қийинчиликларга дуч келишини аниқлашга ёрдам берди. Мактабда беш йилдан ортиқ фаолият юритган ўқитувчилар (48%) касбга йўналтириш ишлари билан оила шуғулланиши керак, мактаб эса бунинг учун етарли имкониятларга эга эмас, дея ҳисоблайдилар. 53% ўқитувчи эса бу вазифа нисбатан кечроқ даврда ҳал қилиниши кераклигини назарда тутиб, бошланғич синфларда касбий фаолиятга қизиқишни шакллантириш умуман мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Жуда кўп мактабларда бошланғич синф ўқувчилари мактаб устахоналарида шуғулланиш имконига эгалар. Шунга қарамай, ижтимоий фойдали меҳнатни мактаб соатлари доирасида ташкил этиш энг мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Алоҳида фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган бир қатор мактабларда меҳнат таълими дарсларининг бошқа ўқув фанлари билан алмаштирилиши салбий ҳолатлардан биридир. Ўқитишда ўқитувчилар томонидан маҳаллий миллий-ҳудудий материаллар, ўз она-шаҳри, тумани аъналаридан ҳар доим ҳам фойдаланилавермайди. Ўқувчиларни туманда нисбатан кенг тарқалган турли материалларни қайта ишлашнинг аънавий усуллари билан таништириш етарли даражада амалга оширилмайди.

Бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқиш, нутқ ўстириш, атрофдаги олам билан таништириш, математика, она тили фанлари бўйича ўқув дастурларининг таҳлили мазкур фанлар меҳнат, меҳнати орқали бахтга эришган инсонларнинг фахрли номлари, меҳнат ва касбий фаолиятга

қизиқишни шакллантирувчи материалларга эга эканлигини кўрсатди.

«Атрофимиздаги олам» ўқув фани дастурида ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш саноати тўғрисидаги дастлабки маълумотлар билан таништириш кўзда тутилган.

Таълимнинг энг муҳим тамойилларидан бири ўлкашунослик ҳисобланади, шунинг учун ҳам ўқитувчи муайян объектлар ва табиат ҳодисаларини қадрдон ўлкасининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ихтиёрий тарзда танлаб олиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларни мазкур вилоятда фаолият кўрсатаётган меҳнат кишилари билан таништириш, йил фасллари, яшаш ҳудудига қараб юз берадиган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бериш имконига эгадир.

Шунингдек, она тили дарслари ҳам ўқувчиларда меҳнат ва касбий фаолиятга қизиқишни тарбиялайди.

Турли касблар билан танишиш жараёнида арифметик мисол ва масалалар ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади. 1-4-синф математика дарсликларига катта миқдордаги масалалар мавжуд. Муайян ҳаётий вазиятларни акс эттирувчи сюжетли арифметик масалаларнинг бош вазифаси болаларнинг асосий математик тушунчалар, муносабатларни ўзлаштириб олишларига ёрдам беришдан иборат. Айни чоғда, масала ечиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари сотувчи, қурувчи, ҳайдовчи сингари турли касб эгалари меҳнати тўғрисида баъзи маълумотларга эга бўладилар. Касбга йўналтириш масалаларини ҳал қилишга аънавий ёндашувда кўпгина билимлар ўқитувчининг таййиқи орқали ўзлаштирилади. Бироқ бундай репродуктив фаолият бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат ва касбий фаолиятга бўлган қизиқишларининг кейинчалик ривожланиб боришига тўсқинлик қилади, чунки уларга бажарувчи вазифаси юклатилади ва ўқувчилар катталарнинг доимий назорати остида ишлашга кўникиб қоладилар. Бу, айниқса, меҳнат таълими дарсларида кўзга ташланади: ўқитувчи у ёки бу нарсанинг тайёрланишини ўқувчиларга босқичма-босқич кўрсатиб беради ҳамда ўқувчилардан ўзининг бажарганларини қатъий тарзда қайтаришларини талаб қилади, бу эса уларнинг ижодий фаолият юритиши учун ўрин қолдирмайди. Ҳали дарс якунланмай туриб, фақатгина қисмларга ажратиш ва йиғиш жараёнини намойиш этиш учунгина керак бўлган моделлар ясаб бўлинади. Ижод, ихтирочилик, мустақил фаолиятни намоён этиш учун имкониятнинг мавжуд эмаслиги ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ўқувчи учун кераксиз нарсага айлантиради.

Бундай ҳулосалар 1-синф ўқувчиларининг бор-йўғи 18%и меҳнат таълими фанини севимли фанлари қаторига киритганлиги билан ҳам тасдиқланади. 3-

синфга келибгина ўқувчиларнинг меҳнат таълими дарсларига бўлган қизиқишлари ортганлиги кузатилади.

Ўқувчилар учун кичик ёшдаёқ ҳеч қандай ижтимоий аҳамият касб этмаётган ижтимоий фойдали меҳнат машғулотларининг ҳолати ҳам катта хавотирга сабаб бўлмоқда. Таълим муассасаларида ўқувчилар кучини ишга солиш учун моддий база ва объектлар мавжуд эмас.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мотивларни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятда иштирок этиш болада ўз «мен»ининг ривожланишига, унинг тенгдошлари жамоасида ўз ўрнини топиши ва ўзлигини англашига катта таъсир кўрсатади.

Бошланғич синфлар фаолияти тажрибасидан маълумки, бошланғич синф ўқувчилари доривор ўсимлик ва уруғларни йиғиш, гуллар ва мактаб ошхонаси учун айрим сабзавотларни етиштириш каби ишларда иштирок этишлари мумкин бўлса-да, уларнинг касбий фаолиятга яқинлаштирилган унумли меҳнат жараёнидаги иштирокидан камдан-кам ҳолларда фойдаланилади. Болаларнинг ўзлари бажараётган меҳнатдан кутиладиган мақсадни англашлари рағбатлантирувчи жараён самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Амалда бошланғич синф ўқувчилари бажарилаётган ишнинг мақсадини аниқлашга қийналадилар. Бу, одатда, болалар олдида бажарилаётган ишнинг ижтимоий фойдали аҳамиятини ҳисобга олмаган ҳолда пировард натижага йўналтирилган мақсад қўйилиши билан изоҳланади, бу эса мақсаднинг асосланишини шакллантиришда кам самарадорликка эгадир.

Сўнги йилларда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўқув-тарбиявий масалаларини ҳал этишга путур ета бошлади. Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари ўқув-тарбия муассасаларининг ўқувчилар қизиқишларини қондириш ва ривожлантириш мақсадида мазкур муассасаларнинг бор имкониятларини ўрганиш ва аниқлаш; ўқувчиларнинг дам олиш пайтларида нималар билан шуғулланишни истаётганини аниқлаш; тўгарак, клуб, ташкилотлар ишининг ихтисослиги ва мазмуни тўғрисида муассасаларни ўзаро ахборот билан таъминлаш сингари умумий функциялари амалга оширилмаётир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг 17-18%игина мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгаракларда ва 15,8% ўқувчи – мактабдаги тўгараклар, клублар, ташкилотларда иштирок этадилар.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги мактабда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мактабдан ташқари муассасалардаги машғулотларда кейинчалик ривожлантирилиши учун ўқувчилар қизиқиш ва иштиёқларини инobatга олган ҳолда бу жараённинг узлуксизлигини ташкиллаштиришдан иборат бўлмоғи керак. Бироқ мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ўртасидаги бундай узлуксизлик оммавий тажрибада қўлланилмаётгани салбий ҳолатлардан биридир.

Касб-ҳунар байрамлари («Ҳосил байрами», «Ким

бўлсам экан?») болаларнинг ҳиссий идрокларига ижобий таъсир кўрсатиб, узоқ вақтгача уларнинг ёдида сақланиб қолади. Бироқ бундай тажриба мактаблар амалиётида кенг тарқалмаган. Мазкур тадбирлар кўп ҳолларда ўқувчилар учун фақат ёрқин томошалигича қолади, болаларнинг ёшларини баҳона қилиб, уларнинг меҳнат жараёнида иштирок этишларига йўл қўйилмайди. Бунда, шунингдек, болалар меҳнатининг ижтимоий фойдали аҳамияти ҳам ҳисобга олинмайди. Бу эса болада бўлғуси касбий фаолиятга нисбатан салбий муносабатнинг ривожланишига олиб келади.

Кўп ҳолларда ўқитувчилар бошланғич синф ўқувчиларида меҳнатга ижобий муносабат ва ҳиссий мойилликни шакллантирар эканлар (суҳбатлар, меҳнат фаоллари билан учрашувлар, турли адабиётларни ўқиш шаклида ва ҳ.к.), улар, энг аввало, у ёки бу касб билан боғлиқ қаҳрамонона пафос, романтика, фавқулодда ҳолатларга алоҳида урғу берадилар. Бундай кучли таъсирга эга бўлган ҳиссий восита бола тасаввурига таъсир қилиб, ўқитувчи ҳикоя қилаётган касбий фаолиятга нисбатан маълум бир муносабатни шакллантиради. Аммо бунда «қаҳрамонлар касби»га мойиллиги кучли бўлган бола кейинчалик ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юбориши ва санитар, кутубхоначи, слесарь, пайвандчи кабиларнинг кундалик, оддий меҳнатларини назарга илмай, уларга менсимаслик билан ёндашиши мумкин. Меҳнатнинг ўзига бўлган бундай муносабат бора-бора уни бажарувчи шахсларга, мазкур касбга бўлган муносабатга айланиши мумкин.

Касбга йўналтириш ишлари доирасида мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги етарли даражада амалга оширилмаётир: 7% ота-оналаргина қўл меҳнати, техник ижодкорлик тўғарақларини бошқарадилар, 31% ота-оналар плакатлар, стендлар, дидактик материалларни тайёрлашда иштирок этадилар. Экскурсиялар, учрашувлар ва кўрик-танловларни ота-оналар билан биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш нисбатан кенг тарқалган иш тури ҳисобланади. Бироқ ота-оналар тадбирларни ташкиллаштиришда иштирок этадилару, учрашувларга улар эмас, мактабнинг «штатли» фахрий меҳмонлари таклиф этиладилар. Болалар учун улар бегона кишилар бўлиб, фақат учрашув мақсадида келган меҳмонлар бўлиб қолаверадилар ва ўқувчилар учун ибрат, намуна бўла олмайдилар.

Амалиётда ўтказилган тажрибалар таҳлили ҳозирги пайтда бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат ва касбий фаолиятга бўлган қизиқишларини шакллантириш вазибаларини муваффақиятли тарзда ҳал этиш учун мактабнинг муайян имкониятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Мактаб томонидан бу йўналишда олиб бориладиган ишларнинг самарадорлиги педагогнинг ўзига ва унинг бу фаолият турига амалий ва психологик жиҳатдан тайёрлиги даражасига боғлиқдир.

In order to prepare pupils for further labor activity pedagogues should be sure that their knowledge and skills are satisfying all requirements and then share it with pupils.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИШДА КОМПОНЕНТЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ж.А.ПЎЛАТОВ - Республика ташхис Маркази бўлим бошлиғи



Ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш, яъни касб танлашларига тайёргарлик масалалари ҳақида юртбошимизнинг **“Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўёнлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндашишни тақозо қилмоқда”** деган фикрлари орқали ҳозирда илмий техникавий тараққиёт суръатини ошириш учун малакали мутахассис ходимларга бўлган эҳтиёжимизнинг нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда.

Бу борада албатта, ўқувчи ёшларни касб-ҳунар коллежларига касбга йўналтириш жараёнларида қуйидаги компонентлар интеграцияси муҳим аҳамият касб этади. Касбга йўналтиришнинг компонентлар интеграцияси деганда - ўқувчи шахсининг касбий қизиқишлари, мойиллиги, қобилияти, психофизиологик хусусиятларини педагогик-педагогик тахшислаш асосида уларни мустақил равишда касб танлашларида касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий ташхис, касбий танлов, касбий фаоллаштириш ҳамда касбий мослашув жараёнларида иштироки асосида ихтиёрий касб танлашларини белгилаб берувчи фаолият демакдир.

Булар қуйидагилар:

1. касбий ахборот (тарғибот ва ташвиқот ишлари);

2. касбий маслаҳат (ўқувчининг қизиқиши асосида танланмоқчи касб юзасидан ишлари);

3. касбий ташхис (психологик-педагогик ташхис методикалар...);

4. касбий танлов (касбни ўқувчининг талабига мос келиши);

5. касбий фаоллаштириш (ўқувчининг танлаган касби юзасидан янада касбий ахборотлар базаси билан бойитиш ишлари);

6. касбий мослашув (ўқувчилар танлаган касби таълим муассаса, иш жойининг шарт-шароитлари, имкониятларига ижтимоий касбий мослашуви).

Ушбу касб-ҳунарга йўналтириш жараёнларида хизмат қилувчи компонентларининг интеграциясини янада кенгроқ ёритмоқчимиз.

Касбий ахборот – ўз ичига маълум бир касбни эгаллаш хоҳиши бўлган ўқувчиларга, касб-ҳунар коллежнинг мутахассислик йўналишларини эгаллашнинг шакл ва воситалари, шарт-шароитлари, касбий малакаларининг ўстириш имкониятлари, меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжи, касбий қизиқишларнинг шаклланиши, ўқувчининг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги ахборотлардан бохабар қилиш ҳамда касблар олами

бўйича маълумотлар тўплаш ва шу асосида тарғибот-ташвиқот қилиш чора-тадбирлари тушунилади.

Касбий маслаҳат - эса у ёки бу касбнинг талабларига индивидуал психологик ва шахсий хусусиятларини мослаштиришни касб танлашда қобилиятларни инобатга олган ҳолда ва амалий ёрдам бериш мақсадида, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқувчи ёшларга касблар ҳақидаги илмий ташкиллаштирилган маълумотларни етказиш ҳамда касбни ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтож бўлган, ўқувчи ёшлар билан олиб бориладиган ишлар.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини баҳолашда Буюкбритания касб-ҳунарга йўналтириш ва маслаҳатлар институти директори А.Г.Уоттснинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: “... маслаҳат ақлли ва малакали бўлган тақдирда ҳам, шахсий хусусиятларни тўғри ташхисдан ўтказишдаги унинг бутун компетентлигига қарамасдан биз барибир шубҳаланишга ҳақлимиз...” иккинчидан унинг меҳнат оламини қабул қилишининг ҳаққонийлиги қай даражада?” Бундай ҳолатнинг сабаби шуки, ҳаттоки энг малакали касбий маслаҳатчи ҳам касблар оламининг барча сир-асрорларидан бохабар бўла олмайди, чунки касблар оламининг ўзи ҳам ўзгармас эмас деган ғояни илгари сурган.

Шундан келиб чиқиб шу фикрга келиш мумкинки ўқувчи ёшларга тўғри касбий маслаҳат, йўл-йўриқ бериб бориш осон иш эмас экан, уни амалга ошириш эса бундан ҳам машаққатли жараён бўлиб саналади.

Касбий ташхис ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат талабларига жавоб бериши, касбий тавсиф бериш жараёни ҳисобланади.

В.И.Степанскийнинг фикрига кўра, “Касбларнинг илмий асосланган типологиясининг йўқлиги яъни у ёки бу касбга ва касблар гуруҳига мослик даражасини аниқлайдиган, психофизиологик хусусиятлар мажмуасининг йўқлиги ишчиларнинг касбий типлари ҳақидаги тушунчани аниқлаштириш йўлида ўтиб бўлмас тўсиқ бўлмоқда”.

Касбий танлов касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган ўқувчининг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида ўқувчини ҳар томонлама ўрганиш тизимидир. Ўқувчиларнинг касб танловларида қуйидаги омилларнинг таъсири кузатилади: Ижтимоий институтлар; маҳалла, оила, таълим муассасалари (ўқитувчилар, синф раҳбарлари ва бошқалар); Тенгдошлар қарашлари; Шахсий касбий ва ҳаётий режалар; Оммавий ахборот воситалари;

(радио, телевидение); Касбга йўналтириш тадбирлари (очиқ эшиклар куни, касб фестиваллари); Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида мутахассис, идеал шахс тимсолига ҳавас туйғулари.

Касбий фаоллаштириш бунда ўқувчиларнинг танлаган касб-ҳунар юзасидан касбий маълумотлар базасини кенгайтириш, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қила бориш ҳамда меҳнат турининг шарт-шароитлари билан таништириб бориш жараёнларини ўз ичига олади;

Касбий мослашиш бу касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишлари, мутахассисликларини ўзлаштириш, кўникма ҳосил қилиш, қолаверса ижтимоий муҳитга мослашиш жараёнига ҳамда ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни муваффақиятли равишда касбни эгаллаш учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чоралар комплекс тизим бўлиб саналади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ушбу касбга йўналтириш компонентларини йўналганлик, кетма-кетлик жараёнининг бирон-бир босқичида иш самараси сустралса ёки амалга оширилмаса, ўқувчи

шахсида касбни тасодифий танлаш, баъзан ўқувчиларда огир кечинмалар, умидсизликлар, иккиланишлар ва руҳий зиддиятларни келтириб чиқаради.

Албатта мазкур ишларни самарали амалга оширилиши педагог, психологларнинг ҳар томонлама билим, малака ва кўникмаларга эга эканликларини белгилаб беради.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. - Т.: "Ўзбекистон", 1994, 21-бет.

2. В.Г.Каневец "Методика индивидуальной профконсультации". - Москва.: Высшая школа. 1982, 172 с.

3. Н.Н.Захаров, В.Д.Симоненко "Профессиональная ориентация школьников". - Москва "Просвещение", 1989, 191 с.

We should not make mistakes or assisting in training effectiveness declining in pupil career-guidance process, because its may affect on losing pupils occupational choice.

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Б.ХАЛИЛОВА – Тошкент транспорт институти қошидаги темир йўл академик лицейи ўқитувчиси

Хозирги давр талабларига мувофиқ, бир қатор педагог-олимлар томонидан ишлаб чиқилган-талаблар билан ўтказиладиган машғулотлар мазмунини таҳлил қилиш, уни баҳолашга кўплаб ёндашувлар мавжуд. **Машғулотларнинг мақсади, унинг вазифалари, ўқитувчининг тажрибаси, шу жумладан, ўқувчилар билан унинг муносабатлари хусусиятларига (ҳар бир ўқитувчи ўз услубларига эга, зеро, ўқитувчи ҳам шахсдир) қараб машғулотни баҳолашнинг турли мезонларини танлаб олиш зарур.**

Афсуски, таълим амалиётида ўқитувчи томонидан режалаштириладиган машғулот мақсади дастлаб ўқитувчининг фикри билан таниш бўлмаган, машғулотда қатнашувчи бошқа ҳамкасбининг фикри билан мос келмайди, бу кўпинча низоларга олиб келади. Кўпчилик (ҳатто тажрибали) ўқитувчилар мана шунинг учун "очиқ" машғулотлар ўтказишни хохламайдилар!

Машғулот - бу фақатгина билимлар бериладиган эмас, балки талаба ва ўқитувчининг шахсий хусусиятлари очиб бериладиган, амалга ошириладиган ўқув вазияти, "саҳнали майдондир".

Машғулотга тайёргарлик ўқитувчининг режа-конспектни тузиб олишидан бошланади. Одатда, конспектни тайёрлар эканлар, ўқитувчилар машғулот мавзусини ишлаб чиқадилар (тематик ва календар

режалари асосида), унинг мазмунини очиб берадилар: материални баён этиш тартибини, машғулот давомида ўқувчиларга (кучли, ўртача, бўш) бериладиган саволларни, машғулотда бажарилиши керак бўлган топшириқларни ишлаб чиқадилар.

Шахсга йўналтирилган машғулот конспекти одатий машғулотга қараганда баъзи фарқ қилувчи хусусиятларга эга, ахборот қисмидан ташқари (ахборотли) у алоҳида рефлексив қисмига эга бўлади. Бу ерда ўқувчиларга намоиш этиш учун ўқитувчи дарсда материалларни ўзлаштириш методларини (услубларини) очиб беришни қандай режалаштириши қайд этилади. Режа-конспектда мисол учун, масалани ечишга ўргатишда фойдаланиш зарур бўлган воситаларни (услублари, техникасини), билимларни қандай қилиб танлаб олишни, ечиш йўллари танлашни, етишмайдиغان маълумотларни топишни, қийин вазиятлардан чиқиш йўллари акс эттириш керак. Машғулотларда ўқитувчининг ўзи топган "ўйлаш" усуллари тўғрисида гапириб бериш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, машғулот давомида фақат билимлар мазмуни эмас, балки уларни ўзлаштириш методлари ҳам намоиш этилади, бу ҳам билим, лекин алоҳида турдаги билимдир.

Ахборот ва рефлексив қисмидан ташқари шахсга йўналтирилган машғулот режа-конспекти алоҳида баҳолаш қисмига ҳам эга бўлади. Унда ўқитувчи машғулотда мавзунини ўрганиш давомида ўқувчилар

таклиф этишлари мумкин бўлган индивидуал “тушунчаларини” тахмин қилади ва қайд қилади; машғулотлар турли босқичларида қайси ўқув материалнинг тузилиши ва шакли бўйича индивидуал карточкалар кўринишида фойдаланиш мумкинлигини; машғулотда талабаларга таъсир кўрсатишнинг ҳар хил турларини қандай (ва қачон) қўллашни; кимдан сўраш кераклигини, ҳар бир талабанинг жавоблари қандай мақсадларда, қайси кўрсаткичлар бўйича баҳоланишини ўйлайди.

Бошқача сўзлар билан айтганда, шахсга йўналтирилган машғулот режа-конспектини тузишда асосий талаблардан бири фақат ўзлаштирилиши керак бўлган билимлар мазмуни ва ҳажмини эмас, балки талабалар ўзлаштириб олишлари керак бўлган идрок этиш, ақлий ҳаракатлар тизимини ажратиб олиш, материалда ҳаракатланиш мантиқини аниқлаб олиш, унинг илмий мазмунини ўқувчиларга берилиши мумкин бўлган маъно ва мазмунлари билан мослаштиришдан иборат ҳисобланади. Ўқув ишлари усулларини аниқлаш, уларни муҳокама қилиш, баҳолаш учун вақтни кўзда тутиш зарур. Машғулот охирида яқун ясаш билан бир қаторда ўқувчиларнинг фикрлари билан қизиқиш керак: машғулотда нималар ёқди (ёқмади) ва нима учун; кейинги машғулотда улар нималар билан шуғулланишни хоҳлайдилар; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб топшириқларни бажаришда турли материаллардан фойдаланишни тавсия этиш зарур.

Ўқувчилар мустақил ишларини бажарадиган махсус машғулотлар ва сўровлар ўтказишни назорат қилиш вазифасини бажаради деб ҳисобланади. Одатда назорат қилиш топшириқнинг қийинлигини (мураккаблигини), унинг ҳажмини объектив ҳисобга олиб, натижалар бўйича амалга оширилади. Бу етарли эмас.

Шахсга йўналтирилган машғулотларда талабаларнинг иш бажариш жараёнларини назорат қилиш жуда муҳим. Бунинг учун ўқитувчи талабалар билан суҳбатни шунчаки хатони кўрсатиш эмас, балки унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш, тўғри жавобни аниқ кўрсатиш, аниқ ўқув материалдаги хатони йўқотиш йўли ва воситасини тез ва тежамкорлик билан белгилаб ташкил қилиши керак.

Бу масала қийинчиликлари хатолар ва қийинчиликлар сабаблари индивидуаллигидан иборат. Албатта одатий хатолар ва қийинчиликлар мавжуд. Улар одатда ўқитувчи томонидан топшириқларни текширишда қайд этилади, мустақил ишларни, талабаларнинг оғзаки жавобларини муҳокама қилишда таҳлил қилинади. Бунинг учун ўқитувчида камида иккита имконият мавжуд.

Биринчиси: ўқувчилар билан суҳбат ташкил қилиш керак, суҳбат давомида фақат материални билишини (тушунишини) балки материаллар билан ишлашда у қайси усуллардан фойдаланишини аниқлайди. Машғулот пайтида вақт етишмаслиги сабабли бу ишни ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан бажара олмайди. Шунга қарамасдан, барча ўқитувчилар мана шу ишнинг муҳимлигини англаб етишлари керак. Ўқувчилар ҳам билимларни эгаллаш бўйича ўз ишларини қандай ташкил этишлари тўғрисида гапириб беришга тайёр бўлишлари керак. **Афсуски**

ўқувчиларимиз ўқитувчи масалани қандай ечганини сўраганида ўқитувчининг фойдаланган билимлари мазмунинигина гапириб берадилар ва ўз ишларини нимадан бошлаганликларини, уни қандай қурганликлари, қандай интеллектуал ҳаракатларни бажарганликлари, қийин вазиятдан қандай қилиб чиққанликларини тушунтирмайдилар, яъни “ўйлаш” технологиясини очиб бермайдилар, уни ўқитувчи билан муҳокама қилмайдилар. Шунинг учун аниқ ўқув материалда билимларни эгаллаш жараёнини ташхис қилишга қаратилган суҳбат ўтказишга ҳаракат қилиш керак.

Иккинчиси: талаба материал тури, кўриниши ва шаклини мустақил танлаб олишига, ўқув ишлари индивидуал усулларидан фойдаланиш имконини берувчи карточка-топшириқлар тўпламига эга бўлиш керак. Бунинг учун назорат якуний шакллари билан бир қаторда машғулотнинг 5-минут вақтини оладиган кичик шаклдаги дарслараро назоратни амалга ошириш зарур.

Бундай назорат давомида қуйидагиларни ҳисобга олиш муҳим:

- топшириқ тури, унга мос бажариш усуллари;
- хатолар турлари, уларнинг такрорланиши, ҳар бир талабанинг янги ютуқлари;
- ўқув ишлари у ёки бу усулларидан фойдаланиши барқарорлиги.

Бундай топшириқлар дарсларда ўқувчиларнинг ҳавотирланишлари ва ташвишланишларини келтириб чиқармайдиган одатий бўлиб қолиши керак. Уларнинг бажарилиши баҳолаш ҳолати билан боғланиши керак эмас, бу ҳолат ёмон баҳо олишдан кўрқмасдан бутун гуруҳни топшириқ устида ишлашга жалб этиш имконини беради.

Агарда бундай “тез бажариладиган топшириқлар” ёзма равишда бажариладиган бўлса улар ўқитувчи дафтардаги ёзувларга қараб материал устида ўқувчилар бажарган асосий ҳаракатларни кўра оладиган қилиб тузилиши керак. Бунинг учун топшириқни бажариш якуний натижасини (тўғри, нотўғри) ҳамда уни бажариш жараёнининг ўзини ҳам баҳолашга имкон берувчи шартли белгилар тизимидан (умумий қабул қилинган ёки ўқитувчининг ўзи таклиф этган методика томонидан кўзда тутилган) фойдаланиш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи машғулотларда шунчаки ўрганилаётган мавзу мазмуни доирасида топшириқ бермай, балки материални ишлаб чиқиш индивидуал усулларини аниқлашни таъминловчи диагностика топшириқлар киритиши керак. Мисол учун, информатика машғулотида “Тўғри чизиқли ва тармоқли алгоритмлар” мавзусини ўтишда талабаларга масалани ЭХМда ечишни ва улар фойдаланган усулни таърифлаб беришни таклиф этиш мумкин: масалани қўйиш, алоҳида пунктлари, босқичларидан тортиб то натижаларни ишлаб чиқишгача турли усулларни аниқлаб ўқитувчи машғулотда улардан фойдаланишни муҳокама қилиши, мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб бериши керак. ЭХМда масалаларни ечишда, мантиқий схемаларни

қуришда, натижани текширишда талабалар одатда уларни ечиш қоидалари (алгоритмлари) билан танишадилар. Шу билан бирга ўқитувчи масала, схема билан ишлашда, дастурни мослаштириш ишларида ҳар бир талаба муваффақиятли ҳаракатларини аниқлаш, диагностик топширигини ишлаб чиқиши мумкин. Ўқувчиларда алгоритмик, лойиҳалаштириш, математик тасаввурлардан фойдаланишда катта фарқ бор.

Бундай назорат топшириқлари тизимини ишлаб чиқиб қуйидагиларни аниқлаш мумкин: таклиф этилган дастурлаштириш тилида дастурни яратиш устида ишлаш хусусиятларини; уларни қўллаш турларини (мазмун, шакли, ечиш усули ва моделлаштириш бўйича дастлабки топшириқни ўзгартириш); масала устида ишлаш барқарорлигини, турли шароитларда уни қўллаш мумкинлигини.

Ўқитувчи ихтиёрида ҳажми бўйича катта бўлмаган диагностик топшириқларнинг мавжудлиги машғулотларда ҳар бир талаба билан унинг “услубий” хусусиятларига таяниб индивидуал ишлашга; масалани ечиш давомида ностандарт усуллардан фойдаланиб масалани ЭХМда ечишни рағбатлантириш имконини беради. Бу ишлар ўқитувчига ҳар бир ўқувчининг барқарор индивидуал хусусиятларини аниқлашга имкон беради, уларда ўзини назорат қилиш ва ўзини тузатиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Бу ишлар материалнинг дастур мазмунини, ўзлаштириш аниқ мақсадларини ҳисобга олиш билан ҳар қандай машғулот доирасида ўтказилиши мумкин.

Шахсга йўналтирилган машғулотлар хусусиятлари машғулотда ўқитувчининг меҳнати самарадорлиги мезонларини белгилайди. Уларга қуйидагилар киради:

Ўқитувчининг фақат билимлар мазмунини баён этиш эмас, балки талабаларни уни ўзлаштиришнинг самарали усуллари билан таништиришни билиши;

Гуруҳда биргаликда таҳлил қилиш учун фақатгина ушбу мавзу материалга мос бўлган, балки уни мустақил ташкил этишни таъминловчи, яъни турли мавзудаги мазмунли материалларни эгаллашда умумий ўла оладиган усулларни танлаб олишни билиши. Мисол учун, матнни, суратни таҳрир қилиш ва ўзгартириш усуллари, физик, биологик объектларни таҳлил қилиш (таниб олиш) усуллари, турли ҳаракатларни ва ҳодисаларни солиштириш ва баҳолаш, бадий образларни яратиш кабилар шулар жумласига киради.

Ўқитувчининг машғулот давомида идрок этиш услубларини аниқлашга қаратилган диагностик амаллардан фойдаланиш; талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришлари жараёнида уларнинг ҳар бири ривожланиши жадаллигининг асосли тахминини қуриш учун уларга таянишни билиши.

Машғулотларга тайёрланишда унинг режасини ишлаб чиқишга муҳим аҳамият берамиз. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Умумий мақсадни аниқлаш ва машғулотнинг турли босқичларига қараб уни аниқлаштириш;

Талабага топшириқ тури, шаклини танлашига имкон берувчи дидактик материални танлаб олиш

ва ташкил қилиш;

Ўқув фаолиятини ташкил қилиш турли шаклларини режалаштириш (фронтал, индивидуал, мустақил ишлар нисбатлари);

Ишнинг хусусиятини ҳисобга олиб (сўзма сўз гапириб бериш, ўз сўзлари билан қисқача баён этиш, маълум алгоритмлардан фойдаланиш, муаммоли, ижодий масалаларни ечиш) ишнинг маҳсулдорлигини баҳолашга талабаларни аниқлаш. Ўқитувчи фақатгина турли дидактик материалларга эга бўлмай, балки машғулотлар давомида муносабатлар, шахслараро ўзаро алоқалар хусусиятини ҳам режалаштирса машғулотлар мослашувчан режасини амалга ошириши мумкин бўлади.

Бу қуйидагиларни кўзда тутати:

Машғулот аниқ мақсадларини ҳисобга олиб мулоқот турли шаклларида (монолог, диалог, полилог) фойдаланишни;

Талабаларнинг шахсий хусусиятларини, гуруҳлар ўзаро алоқаларига талабаларни ҳисобга олиб ўзаро алоқалар хусусиятларини лойиҳалаштириш (индивидуал, гуруҳда, жуфтликларда ишлаш имкониятини бериш);

“Талаба-ўқитувчи”, “талаба-гуруҳ” диалогда барча ўқувчиларнинг субъектив тажрибалари мазмундан фойдаланиш;

Гуруҳнинг жамоали ишлашларини ташкил қилишда мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, уларни машғулот давомида тузатиб бориш, машғулотнинг самарадорлигини режалаштириш қуйидагиларни кўзда тутати:

Олинган билим ва малакаларни умумлаштиришни, уларнинг ўзлаштирилганлигини баҳолашни;

Гуруҳли ва индивидуал ишлаш натижаларини таҳлил қилишни;

Фақат якуний натижага эмас, балки машғулот давомида талабанинг ишлаш жараёнига эътибор қаратишни.

Шахсга йўналтирилган машғулотга талаблар тўғрисида гапирар эканмиз ўзгаришлар ва мураккаблашишлар асосан машғулотни “психологиялаштириш” ҳисобига, яъни ўқитувчининг талабалар афзал ҳисоблаганларидан янада фаол фойдаланиши ҳисобига боришини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки **шахсга йўналтирилган машғулотнинг мақсади фақатгина аниқ билимларни етказишдан эмас (уларни ўзлаштириш, такрорлаш), балки талабаларда юзага келган идрок этишда мустақилликка, яъни ўқишни билишни таъминловчи ўқув ишлари усулларига таяниш ҳисобланади.**

Шахсга йўналтирилган машғулот ҳар бир талабанинг индивидуаллиги билан ишлашга мўлжалланган. Мана шу сабабли ўқитувчининг янги, унга ҳали одатий бўлмаган - машғулот давомида ҳар бир талабани умумий педагогик кузатишни амалга ошира оладиган бир вақтнинг ўзида ҳам фан ўқитувчиси ва психолог бўлишини талаб қилувчи касбий мутахассис бўлишини кўзда тутати.

Шахсга йўналтирилган ўқув технологиясини яратиш албатта алоҳида методик базани, ўқитувчининг махсус тайёргарлигини, машғулот

самарадорлигини баҳолаш мезонларини, тўғри бошқарувчилик ечимларини қабул қилишни талаб этади.

Машғулотга кириб борар экан мутахассис уни таҳлил қилиш, шахсга йўналтирилган таълим нуқтаи назаридан баҳолаш аниқ мезонларига амал қилиши керак. Бу қарашлар асосан ўзлаштирилган билимларни текширишга мўлжалланган, умумий қабул қилинган қарашлардан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда шахсга йўналтирилган машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш схемалари мавжуд. Улар машғулотни унинг асосий ташкил этувчилари нуқтаи назаридан унинг мақсадлари ва қадриятларини амалга оширишда ўқитувчининг ҳаракатларини баҳолашга ёрдам беради:

Талабаларнинг субъектив тажрибаларидан фойдаланиш;

Машғулотда ўқитувчининг махсус ишлаб чиқилган материални қўллаши;

Машғулотда педагогик мулоқот хусусиятини;

Ўқув ишлари усулларини фаоллаштириш;

Машғулотни ташкил қилиш ва ўтказишда

ўқитувчининг эпчиллик кўрсатиши.

Бундай схемалар машғулотнинг турини (хабар қилувчи, такрорловчи, назорат қилувчи), унинг фани (математика, физика ва бошқалар), вазифасини (1, 2- курсларда, турли хил гуруҳларда) ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон дарс жараёнларида таълим машғулотлари мазмунига алоҳида эътибор қаратилиши уларнинг натижалари ҳам кўзда тутилгандек самарали бўлишини таъминлайди.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Юсак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008-176б.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Ш.Қурбанов, Э.Сейтхалилов. Кадрлар тайёрлаш миллий модели: XXI асрни кўзлаб // Халқ таълими.-1998- № 4. – С.21-30.

4. У.Толипов, М.Усманбаева Педагогик технология: назария ва амалиёт.-Т.: Фан,2005-205 б.

ОИЛАДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Т.БОБОШЕВ – Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 68-махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг I-тоифали ўқитувчиси

Тирик мавжудотнинг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи асосий манба бу – табиатдир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш муаммоси ер юзидан истиқомат қилувчи ҳар бир инсонга шубҳасиз бирор даражада тааллуқлидир. Аммо бу борадаги эришиладиган муваффақият, муҳитнинг мақбул ҳолатда сақланиши учун одамларнинг масъулиятни нечоғлик ҳис қилишига боғлиқ.

Экологик тарбия – бу инсоннинг табиатга қадам қўйган дастлабки вақтидан бошлаб бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик одоб-ахлоқ юзасидан яхши урф-одатларни тарбиялаш, унинг қалбида табиий бойликларни кўпайтириш ҳислатларини уйғотишдан иборат.

Чунки табиатга онгли ва онсиз ҳолда etkazилган жароҳатлар кўп ҳолларда уларда табиат тўғрисида элементар тушунчаларнинг етишмаслигидан, меҳр-мурувватнинг йўқлигидан содир бўлади. Болаларни ёшлиқдан табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш зарурлигини машҳур аллома ва педагогларимиз ҳам бир неча асрлар аввал таъкидлаб келишган. Ёш авлодга табиат – бутун жонли мавжудотларнинг ривожланишига имкон яратиб берган асос ва инсон учун энг аввало ҳаёт кечириш воситаси эканлигини тушунтира олишимиз жуда муҳим аҳамият касб этади. Табиат

қонунларининг, об-ҳавонинг бузилиши, касаллик турларининг кўпайиши ҳам экологик ҳолатнинг бузилишидан келиб чиқаётганлигини, бундай ҳолат инсонлар соғлиғига салбий таъсир этаётганлигини улар тушуниб етишлари керак.

Хуллас бугунги экологик вазият экологик таълимотли ёшларни тарбиялаб боришни тақозо этмоқда. Экологик муаммо етарлича ўрганиб чиқилмаганлиги боис бугунги ёшларимиз табиатга эътиборсиздек назаримизда. Бу муаммони бола тарбиясининг пойдевори бўлган оиладан бошлашимиз яъни боланинг ёшлигидан улар онгига сингдириб боришдан бошласак кўзлаган мақсадга эришиш осонроқ кечади. Шубҳасиз уларнинг ёшлигиданоқ олган тушунчаси ўз натижасини беради.

Хўш, оилавий шароитда бу ишларни амалга оширишнинг қандай йўлларини қўллаш мумкин? Оилада бола тарбия топар экан, аввало унга гўдаклигидаёқ нима яхшию, нима ёмонлиги ҳақида дастлабки маълумотларни бера бошлаймиз. Демак, ҳавонинг ифлосланиши (чанг)ни, ўсиб-унаётган майса ёки гулни синдиришни, бирор-бир жониворга озор беришни ёмон ишлар қаторига киритиб бораверамиз. Дастлабки тушунчаларни бериш асносида биз уларнинг нимага? деган саволига ҳам асосли қилиб жавоб бера борамиз. Улар қушларни боқиш мобайнида уларнинг чиройлигидан завқ олади, беозорлигига ҳавас уйғонади, гуллар парвариши орқали уларни ушлаб, ҳидлаб кўради ва

бошқаларнинг синдиришига йўл қўймайди. Бундай шароитда айниқса хона гуллари қулай ҳисобланади. Тозаликни сақлаш билан бирга озодаликдан кўнгли равшанлашади, шунга кўникиб боради. Шу борада тиббиёт асосчиси Ибн Сино бобомизнинг «Агар чанг бўлмаганда эди, инсон минг йил умр кўрган бўлур эди» деган иборасидан фойдаланиш гоят самарали натижа беришига шубҳа йўқ.

Пластиндан ўзи билган, таниган қушлар ва ҳайвонларни ясаш ишларига қизиқтириб бориш ҳам фойдали бўлади. Чунки ўзлари ясаган бундай нарсаларнинг бузилишини истамаётган бола тирик мавжудотга озор етказиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қушларнинг инларини ясаш ва бу билан уларга кўмак бераётганликларини ҳис қилишади, ўзи ясаган уяда қушлар чуғурлашиб яшаётганлигидан янаям баҳра олишади. Жонзотларни парвариш қилиш орқали уларга меҳр қўйишади ва бу ажойиб ҳислатининг атрофдагиларга ҳам таъсири бўлади албатта. Кейинчалик товуқ, ўрдак, қўй, эчки, мол кабиларни ҳам боқишади. Табиат фанларини ўқиши вақтида эса булар жудаям асқотиши табиий.

Уларни вақти билан томорқа ишларига аввал кузатиш учун, сўнгра қўлидан келадиган ишлари билан жалб қилинади. Полиз ва сабзавот экинларига маҳаллий ўғитлар бериш, бегона ўтларни юлиш каби ишлар билан иштирок этиб боришади. Боғдаги дарахтларни ортиқча шохларидан тозалаш (буташ), уларнинг гуллаши, ҳосил беришини кузатиш, пишаётган меваларини қушлар еб кетишидан қўриқлаш каби ишларга баҳоли қудрат жалб қилиб борилади. Меваларни териб ейишда албатта аввал ювиш кераклиги доимий равишда уқтириб борилади. Бу орқали биз уларни гигиеник қоидаларга ҳам кўникириб борамиз. Ана шу яшил бойликнинг экологик тозалик учун аҳамияти ҳақида батафсил тушунча бериб борилади.

Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, қуёшли кунда бир гектар ўрмонда ҳаводан 280 кг.гача карбонат ангидрид ютилиб 220 кг кислород ажралиб чиқиши билан атмосфера тозаланиб турар экан.

Маълумки ичимлик суви муаммоси ҳозирги кунда жаҳон миқёсида энг долзарб муаммога айланиб улгурди. Шу боис сувдан фойдаланиш ва уни исроф қилмаслик ҳақида ёшларимиз янаям кенгроқ тушунчага эга бўлишлари зарур. Бизга маълумки сайёрамизда ўртача киши бошига 250 литр сув истеъмол қилинади. Жаҳон аҳолисининг 25 фоизи тоза ичимлик суви етишмовчилигидан азият чекар экан. 2 млн 200 киши тоза сув етишмаслигидан, яъни ифлос сувдан келиб чиқадиган касалликлардан вафот этишяпти. БМТ томонидан 22-март кунини - «Бутунжаҳон сув кунини» деб қабул қилинган. Яна шу ташкилот томонидан 2005-2015 йиллар «Сув – ҳаёт учун ҳаракатлари 10 йиллиги» деб эълон қилинди. 1997 йилда биринчи бор сув масаласи бўйича халқаро форум ўтказилди. Шундан буён яна 3 маротаба сув форуми ўтказилди. 2003 йилда Японияда бундай форумга бутун дунёдан 20 мингга яқин киши қатнашди.

Сув – табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Сайёрамиздаги сувнинг фақат 2 фоизигина ичимлик

суви учун яроқли эканлигини ҳисобга олсак, сув – ҳаёт учун заруратгина эмас, ҳаётнинг ўзгинаси. Тадқиқотлардан маълумки инсон умри давомида 50 тонна сув, 14 тонна углевод, 2,5 тонна оқсил, 2,5 тонна ёғ қабул қилар экан. Шундай экан, обиҳаётнинг ҳар қатрасини асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Барча бойлик ва гўзаллик инсон учун яратилган экан, демек кейинги авлодлар ҳаққига ҳиёнат қилмаслик жоизлигини унутмаслик лозим.

Бундан ташқари китоблар ва дарсликлардан экология ҳақида ўқиб-ўрганганларини муҳокама қилиб бориш, тушунчаларини мустаҳкамлаб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки мустақил равишда қизиқиб ўқиб-ўрганибдими, демек меҳнатларимизнинг зое кетмаганлиги бу.

Уларни мактабда «Ёш табиатшунослар» тўғаракларига жалб этиш ҳам кўзда тутилган мақсад сари етаклайди. Уйда ҳазонларни ёқмаслик, анҳор ва ариқларга чиқиндиларни ташламасликка ўргатиб бориш ҳам бунга қўшимча тарбия воситаси бўлиб ҳисобланади.

Табиат бағрига оилавий бўлиб саёҳатга чиқилганда ҳам шу каби тушунчаларни кенгроқ тарғиб қилишга қулайлик туғилади. Унда табиатнинг жилвакор кўриниши, бетакрор гўзаллигидан баҳра олишади, ҳар бир гиёҳнинг пайхон бўлишига йўл қўймаса нақадар гўзаллашиб кетишини кўришади, тушуниш осон кечади, табиатга, унинг бойликларига меҳр-муҳаббат уйғонади. Тоза ҳаво қадрини ҳам шу жойда ҳис қилишади.

Кейинчалик шундай жойларда табиатга зарар етказмоқчи бўлаётган дам олувчи гуруҳ орасида бир оғиз асосли танбеҳи билан ҳатто муҳитни ўзгартириб юбориши мумкин. Ёки табиатга нисбатан зарар етказиши мумкин бўлган жойдан дарҳол тегишли ташкилотларга хабар етказишни ўзларининг бурчи деб билишади ва зудлик билан амалий ишга киришади. Бинобарин бу ёшлар ўзларини табиатнинг чин маънодаги эгасимиз деб ҳис қилишлари керак.

Табиат ва унинг муҳофазаси борасида ёшларимизда бир гоё яъни «Жамият орасида эмас, жамият учун яшаш, одамлар орасида эмас, одамлар учун яшаш» гоёси етакчи ўрин тутишига эришишимиз лозим.

Экологик маданиятли ёшларни таркиб топтиришни мақсад қилган эканмиз ва бу йўлда иш олиб борар эканмиз бу бизнинг бир фуқаро сифатида Ватанимиз, бизни кўтариб турган она еримизга эътиборли бўлиш, унинг келажакда обод бўлиб қолиши учун қўшган камтарона хизматимиз бўлиб қолади. Бундай тушунчалар эса жамиятимиздаги ҳар бир шахс табиатидаги салбий ўзгаришларга бефарқ бўлиши мумкин эмаслигини англатади. Айниқса худудимиздаги Орол денгизи, Тожикистон алюминий заводи каби кўплаб аср муаммоси деб ном олган глобал муаммолар вужудга келиб турганда бу жуда муҳим.

Ecological training may assist in determining of human rational using of natural resources. It is one of the important parts of human being and we should care and protect it in order to prolong being.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРИ КАРЬЕРАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

О.ҲАЙИТОВ, С.ДЖАЛАЛОВА – ТДИУ «Педагогика ва психология» кафедраси ўқитувчилари

Бизнинг жадаллик билан одимлаётган давримизда муваффақиятга эришишнинг асосий тамойили (шарти) – бу обрўталаблик ва яхши маънодаги нафсониятга эга бўлишдир. Айнан шу сифатларни таълим муаммолари билан шуғулланиш орқали намоён қилиш мумкинми? Кўпчилик педагогика ва карьерани бир-бирига зид тушунчалар, деб билади. Бу жуда катта англашилмовчиликдир. Замонавий таълим муаммолари шунчалик мураккаб ва қизиқарлики, муваффақиятли карьерага интилувчан шахс ўзини тан олиниши, жумладан, юқори даражадаги мавқега ва ҳаттоки моддий рағбатланишлар учун қатор имкониятларни тақдим эта олади ҳамда бир вақтда севимли иши билан машғул ҳам бўлади.

Фанда карьеранинг таълим тизимига хос бир неча кўринишларини ўрганиш мумкин.

1-даражали карьера – *бошқарувчи* (мактаб директоридан вазиригача);

2-даражали карьера – *тадқиқотчи* (муайян илм-фан намоёндасидан тортиб, фанлараро ёндашув эгасигача);

3-даражали карьера – *ўқитувчи-услугиётчи* (турли билимли ва характерли инсонларга таҳсил бера олувчи);

4-даражали карьера – *бизнесмен* (таълим хизмати бўйича талабларни яратувчи).

Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган тестни бажариш орқали, Сиз ўзингизга қизиқарли бўлган таълим соҳасини ва қайси даражали карьера эгаси эканлигингизни аниқлашингиз мумкин.

Агар сиз бирор-бир қаторда 3 баллдан ортиқ тўплай олмаган бўлсангиз, демак таълим соҳаси сиз учун унчалик қизиқарли эмас. **Шунга қарамай, ўз касбда муваффақиятга эришишни истаган ҳар бир одам замонавий таълим тизими ривожланиши тенденцияларини билиши керак; шу сабабли мазкур мақолани таълим олувчи ва ўқишни давом эттиришни хоҳловчи киши нуқтаи назаридан келиб чиқиб охиригача ўқишга ҳаракат қилиб кўринг.**

Агар сиз бир ёки бир неча карьера туридан 4,5 балл тўплаган бўлсангиз, демак таълим соҳаси сизни қизиқтиради. Балки сиз қайси карьера турини

танлашингизни ҳали аниқлаб олмагандирсиз. Қуйидаги материални ўқиб, қизиқишларингизни аниқлашга ёрдам берувчи вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиб кўринг.

Агар сиз бирор-бир қаторда 6 балл тўплаган бўлсангиз, демак сиз таълим муаммолари билан фаол қизиқасиз.

Қуйида турли карьералар муҳокама қилиниб қолмай, балки таълим соҳасидаги касбий фаолиятга доир Интернет материалларига таянган ҳолда кўшимча маълумотлар келтирилган; таълим муаммоларига бўлган қизиқишларингиз қай даражада чуқурлигини яна бир бор текшириб кўринг.

Таълим менежери карьераси жамиятда энг кенг тарқалган карьера тури саналади. Охириги 3 йилда махсус таълим менежерларини тайёрлаш марказлари пайдо бўлди. Яхши бошқарувчи бўлиш учун ҳаракатни энг «пастдан» (масалан, хоҳ у мактаб ёки хоҳ О'ЎЮ бўлсин) бошлаш жуда муҳимдир. Бошқа соҳалардаги бошқарувдан фарқли ўлароқ (масалан, ишлаб чиқариш, давлат хизмати, армия) таълим менежменти турли бошқарув усулларини талаб қилади. Қуйида келтирилаётган вазиятларнинг энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилиб кўринг.

Таълим тизимига дахлдор карьера турини аниқлаш

(саволларга «ха» ёки «йўқ» деб жавоб беринг ва ҳар бир қатордаги «ха» жавоблар сонини санаб чиқинг. Ҳар бир «ха» жавоб учун 1 балл)

Тур	Менинг тажрибам бор (қўлимдан келади)	Менга ёқади	Мен ўрганишни хоҳлайман	Жами
Бошқарувчи	- таълим билан боғлиқ Қонунларни ўрганиш; - лицей (мактаб)даги ўзини-ўзи бошқариш кунларида иштирок этиш (белгиланган тадбирларда)	- қарорлар қабул қилиш, ўзгаришлар киритиш, ислохотларда иштирок этиш; - касбий муаммолар юзасидан қарорлар қабул қилишда ҳамкасбларга ёрдам бериш	- таълим жараёнини бошқариш ва унинг сифатини назорат қилиш; - янги таълим дастурларини ишлаб чиқиш	
Тадқиқотчи	- таълим билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш; - таълим назарияси билан боғлиқ китоб ва мақолаларни ўқиш	- қийин вазиятлар мушоҳадаси учун мақбул усулни топиш; - турли хил нуқтаи назарларни ўрганиш	- таълим таҳлилини кучайтириш учун турли соҳа ютуқларидан фойдаланиш; - таълим муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш	
Ўқитувчи-услугиётчи	- «тарбияси қийин» ўқувчи (талаба)лар билан ишлашда янги усулларни ўйлаб топиш; - кичик мактаб ёшидаги болаларга таҳсил бериш	- менинг иштирокимсиз одамларни ақлли, мустақил, очикқўнгил, сабрли бўлишларини кузатиш; - ўқувчига индивидуал ёндашув усулларини излаш	- турли хил одамларни турли шароитларда ўқитишнинг самарали усулларини излаб топиш; - таълим самарадорлигини ошириш учун замонавий технология (масофадан ўқитиш, online да ўқитиш ва бошқа) лардан фойдаланиш	
Бизнесмен	- тарбиячи, репетитор сифатида фаолият юритиш; - бизнесда фойда келтирадиган сифатли усулларни ўйлаб топиш	- нима учун одамларнинг таълимдаги у ёки бу хизматларга ҳақ тўлашларини аниқлаш; - қарорлар қабул қилишда мутлоқ мустақиллик ва уларни амалга оширишда масъулиятни ўз зиммасига олиш	- таълим бозорига оид тадқиқотларни олиб бориш ва уларнинг натижаларини ўз фаолиятида қўллаш; - ўз бизнесини ташкил этиш орқали даромад эгаси бўлиш ва юқори сифатли таълим хизматини таклиф этиш	

1-вазият. Талабалардан бири мунтазам равишда интизомни бузиб, бошқа талабаларга нисбатан ўзини агрессив муносабатини намойиш қилмоқда. Маълумки бу талабанинг оиласида муаммолар, шу

жумладан, иқтисодий муаммолар мавжуд. Бошқа талабалар (уларнинг ота оналари ҳам) ўқув жараёнига халақит бераётган талабанинг ҳайдалишини талаб қилмоқдалар.

2-вазият. Талабалар сизнинг ёнингизга ўқитувчининг ахлоқсизлигидан арз қилиб келмоқдалар. Педагог ўз навбатида талабалар унинг талабларини бажармаётганликларини рўқач қилмоқда. Сиз бу мутахассис ўз фанини яхши билишини, лекин талабларни юқори кўйиб, уларнинг бажарилишини талаб қилишга мойиллигини биласиз.

3-вазият. Сиз талабалар ота-оналарининг лоқайдлигига дуч келдингиз, улар мажлисларга кам қатнашадилар, академик лицей тадбирларида иштирок этмайдилар. Ота-оналар лицей ҳаётига кўпроқ жалб қилинсалар яхши бўларди деб ўйлайсиз. Лекин қандай қилиб?

Бошқарувга оид муаммолар ҳал қилинаётганда, унда ким ва қай даражада иштирок этишини тушуниш жуда муҳим.

Биринчи вазият тизимли ҳал этилиши талаб қилинади – чунки унда бир неча муаммо қоришиб кетган: тарбияси оғир талаба билан етарли иш олиб борилмагани (талаба ўзини бошқача тутиши учун академик лицей нима қила олади); талабаларнинг бир-бирларига сабрсиз ва лицейга истеъмомчилик муносабати; лицей ва ижтимоий хизматларнинг биргаликдаги ҳаракати. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лицей директори талабалар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўймаслиги зарур. Бундай вазиятда масъулият талабалар бўйнида эмас, балки лицей мутахассисларидадир, улар профессионаллар командаси бўлиб икки йўналишда: муаммоларни ҳал қилиш ва бундай вазиятларнинг олдини олиш (профилактика қилиш) устида ишлашлари керак.

Иккинчи вазият бошқарувчининг хусусий муаммосини акс эттиради – ҳамкасблар ва талабалар унинг қарорларига таъсир ўтказишлари (манипуляция) ҳақида. Бу ерда, биринчи вазиятдан фарқли, коллегиял қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқ – бошлиқ талабалар ва педагог ўртасида ижтимоий контракт тузилишида воситачи бўлиши керак. Икки томон ҳам бошлиқ ҳеч кимнинг ёнини олмай, ўқув жараёнига зиён етказмасликни ўйлаётганини тушунишлари керак.

Учинчи вазият одамларнинг у ёки бу муаммони ҳал қилинишида ихтиёрий иштирокларига тегишли. Лицей директори ота-оналарни бирор жазо билан кўрқитиб лицей ҳаётига жалб қила олмайди. Лицейдаги либерал муҳит, очиклик оилани умумлицей муаммоларига жалб қилишнинг энг яхши усули.

Вазифалар бажарилгач, қуйидаги саволларга жавоб беринг. 1) Бошқарувга оид муаммоларни ҳал қилиш сизга ёқдимми? 2) Нима қўлингиздан келди-ю, қаерда қийналдингиз? 3) Бошқарув муаммоларини ҳал қилиш турли одамлар қизиқишларига таъсир қилишини доим ёдингизда тутдингизми?

Албатта, қарор қабул қилиш бошқарувчининг ягона фаолият тури эмас, лекин у асосийларидан бири. Бу жараён сиз учун қизиқарли бўлса, балки, бошқарувчи карьераси ҳақида жиддий ўйлаб кўрарсиз. Демак, сиз ўзингизда таҳлил (анализ)га ёки тадқиқодчиликка лаёқат сезяпсиз. Олимпик фақат

лаёқатни эмас, балки доимий ривожлантириб бориш керак бўлган муайян фикрлаш қобилиятини талаб қилади. Дадил фаразларни илгари сура оласизми, уларни текширишнинг ғаройиб йўлларини топиб, сабр-тоқат билан ўз экспериментларингизни такрорлай оласизми. Таълимнинг долзарб муаммоларидан бирини акс эттирган вазият билан танишинг ва уни тадқиқ қилиш режасини ўйлаб чиқинг. Фаразни илгари суришдан бошланг, сўнгра бундай фаразларни ҳал қилиш йўлларини ўрганиб чиқинг. Педагогик тадқиқотларда муҳим бўлган амалий йўриқномалар тузишни ёдда тутинг.

Таълим тизимини бошқариш билан шуғулланиш ва ўқитишни тадқиқ қилиш учун педагогика институти ёки университетда ўқиш шарт эмас – аксинча – психологик, иқтисодий, молия ва ҳуқуқшунослик маълумотлари амалиётчи ва тадқиқотчиларга замонавий мактаб муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради. Ҳозир деярли барча ОУЮ қошларида таълим муаммоларини ўрганиш марказлари пайдо бўлди.

Кўпчилик учун педагог карьераси жуда оддий жараёндек туюлади, лекин шунга қарамай, таълим соҳасининг машҳур намоёндалари – қийин материални ўзлаштиришга кўмаклашувчи ёки талабаларнинг шахсий ва ақлий ўсишига қаратилган муаллифлик услубиёт (методика)ларини ишлаб чиққан ўқитувчилардир. Муаллифлик услубиётлари кўп – аммо бирон-бир услубиёт универсал бўла олмайди, ўқитувчи олдида ҳар бир аудиторияда, талабалар гуруҳида доимо қандай ўқитиш муаммоси туради, чунки одамлар бир-бирига ўхшамайдилар ва таълим мазмунига бўлган талаб ўзгаради. Педагоглардан бири ўз фанини чуқур билишига таянса, бошқаси психология ютуқларига таянади. Шуниси билан ўқитувчи бошқарувчи ва тадқиқотчидан кучлироқ.

Таълим соҳаси **бизнес** учун жуда қулай. Касбий қайта тайёрлов марказлари, хорижий тилларни ўқитиш марказлари, хусусий мактаб ва боғчалар, репетиторлик – булар таълим бизнеси йўналишларининг тўлиқ бўлмаган рўйхати. Таълим бизнесининг ўзига хослиги шундаки, у ёки бу хизматга бўлган талабни таълимнинг ўзи юзага келтиради – бу хоҳ чет тилини ўргатишнинг жадаллаштирилган услубиёти бўлсин, хоҳ топ менежерлар учун тренинглар бўлсин. Айнан шунинг учун таълимдаги бизнес кишидан ижодий фикрлаш ва катта масъулият уйғунлашувини талаб қилади. Хусусий таълим аста-секинлик билан ривожланмоқда, лекин ҳар доим ҳам пуллик хизмат сифатли таълим дегани эмас. «Таълим» карьерасини танлаш, бу бир бор ва бир умрлик танлов ҳам эмас. Аксинча, кўп ҳолларда мутахассиснинг касбий фаолиятида бир неча йўналишлар мавжуд бўлади. Агар мутахассис ўз тажрибасини умумлаштиришга интилса, ўқитувчилик карьераси осонгина тадқиқотчи карьерасига айланиши мумкин. Менежер карьераси эса кўпинча бизнесменнинг ишбилармонлик сифатларини юзага чиқаради. Кўпчилик муваффақиятли ўқитувчилар ва тадқиқотчилар маълум ёшга келиб йирик бошқарувчи карьерасига эришадилар. Қай бирини танлаш эса сизнинг ихтиёрингизда.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ ДИЗАРТРИК БОЛАЛАРНИ ОВОЗ МОДУЛЯЦИЯСИНИНГ БАЛАНД-ПАСТЛИГИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

С.ТУРСУНОВА - ТДПУ магистри

Республикаимизда таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар бир қанча бўлиб, улар ёш авлоднинг жамият ривожига ҳисса қўшишга хизмат қилади. Ёш авлодга кичик ёшидан бошлаб тўғри таълим-тарбия бериш, бу юртимизнинг гуллаб-яшнашига олиб келади.

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларда айрим нутқ нуқсонлари кузатилиб, уларни бартараф этиш бўйича логопедик ишлар ташкил этилган. Шулар жумласидан, мактабгача ёшдаги дизартрик болаларнинг нутқ нуқсонини бартараф этиш ишлари бир қанча бўлиб, улардан бири овоз модуляциясининг баланд-пастлиги бўйича тадқиқ этиш йўллари саналади.

Тадқиқотнинг мақсади – мусиқани аста-секинлик билан пастдан баландлашаётган, баланддан пастлашаётган ҳаракатини аниқлай олиши ва уни қайтара олиш кўникмасини аниқлашдир. Овоз тебранишининг баланд-пастлиги бўйича тадқиқ этишда бола ўз овозини қанчалик бошқара олишини, уни баланд-пастлиги бўйича ўзгартира олишни, овоз диапазони қанчалик кенг эканлигини аниқлаш учун муҳимдир.

Тадқиқот учун жиҳозлар: товушлар, тақлид сўзлар, ҳайвон ва уларнинг болалари тасвирланган предметли расмлар.

1. Турли хил баландликдаги овоз билан талаффуз қилинган айрим товуш ва тақлид сўзларни идрок этилишини тадқиқ этиш.

Жараённинг бориши: Болага турли хил баландликдаги товуш ёки тақлид сўзларни эшитиш ва эшитилганларни ҳайвон, уларнинг боласи тасвирланган расм ёки турли хил катталиқдаги предмет билан боғлаш, мослаш тавсия этилади. Болага олдиндан қонун-қоидалари тушунтирилади. Масалан, итнинг овози “йўғон”, яъни паст, кучук боласининг овози эса “ингичка”, яъни жарангдордир.

Кўрсатма: “Эшит ва қайси ҳайвон қандай овоз чиқаришини кўрсат (айт).”

ДУД - катта (паст) овоз	ДУД - кичик (жарангдор) кема
А -	А -
О -	О -
МУ - сигир	МУ - бузоқча
ВОВ - ит	ВОВ - кучук боласи
МЯУ - мушук	МЯУ - мушук боласи

2. Айрим товуш ва тақлид сўзларни баланд ва паст овоз билан талаффуз қилиш.

Кўрсатма: “Қани катта кема, самолёт ва ҳ.к., ҳамда уларнинг кичкинаси қандай овоз чиқаришини, ҳайвонлар ва уларнинг болалари қандай овоз чиқаришларини кўрсат”.

ВОВ - ит	ВОВ - кучук боласи
МУ - сигир	МУ - бузоқча
МЯУ - мушук	МЯУ - мушук боласи
ДУД - катта кема	ДУД - кичик кема
А - айик	А - айик боласи

3. Унли товушларни талаффузда уларнинг график тасвири ёки қўл ҳаракатига таяниб овозни баландлатиш ва пастлатишни амалга ошириш.

юқорига – овозни баландлатиш;

пастга – овозни пастлатиш.

1-кўрсатма: “Сен оёқларинг билан эмас, балки овозинг билан зинапоялардан юқорига, кейин эса яна овоз билан зинапоялардан пастга тушишга ҳаракат қилиб кўр. Овоз зинапоялардан юқорига кўтарилаётганда, у баландлашади ва ингичкалашади. Овоз зинапоялардан пастга тушаётганда эса, у пасая бошлайди. Аввал А товуши, кейин эса О, У товушлари билан у талаффуз қиламиз.

2-кўрсатма: “Қўғирчоқ чақалоқни қандай алааб, тебратишларини кўрсат”.

“Соат қандай юришини кўрсат”.

“Қўғирчоқ қандай жаранглашини кўрсат”.

Эслатма: Овоз баландлашаётганини ёки пасаяётганини кўрсатиш учун логопед қўлининг ҳаракати билан фаол равишда ёрдамлашади.

Баҳолаш мезонлари:

4-балл – топшириқ овознинг етарли модуляцияси билан бажарилганда қўйилади;

3-балл – топшириқ овоз модуляцияси унчалик етарли бўлмаган ҳолатда бажарилганда қўйилади;

2-балл – топшириқ овоз баландлигини ўзгартирмаган ҳолда бажарилади, бироқ топшириқ турли усулларда бажартирилса, овоз баландлиги ўзгаришига эришиш мумкин;

1-балл – топшириқ овоз баландлигини ўзгартирмаган ҳолда бажарилади, бироқ топшириқ турли усулларда бажартирилса ҳам овоз баландлиги ўзгармайди;

0-балл – топшириқ бажарилмайди.

Ушбу овоз модуляциясини баланд-пастлиги бўйича тадқиқ этиш йўли орқали нафақат мактабгача ёшдаги дизартрик болаларни балки бошқа нутқ нуқсонларига эга бўлган болаларда ҳам қўлланилади. Бу методика орқали овоз камчилигини бартараф этилади ва ривожлантиришга хизмат қилади.

The main purpose of given article is creating and introduction new methods by making remedial actions on children with weak voice and speech problems.

ЎЗБЕКЎСТОН ТАРИХИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.ХАЙДАРОВ – ЎзПФИТИ 2-босқич аспиранти

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлиги туфайли аждодларимизнинг қадимий тарихий меросини, маънавий қадриятларини тадқиқ ва тарғиб қилишга кенг имконият яратилди. Бу имконият, айниқса таълим мазмунининг миллий асосларини мустаҳкамлаш, дарсларни мазмун жиҳатидан бойитишга қулай методологик асос бўлди. Шу боис Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий манбалар, хусусан тасвирий санъат асарларида акс эттирилган тарихий воқеа ва ҳодисалардаги тарихий фактларнинг талқини сифатида фойдаланиш ўқувчиларда тарихий билимларни самарали ўзлаштиришга ўзига хос педагогик қулайлик яратиши маълум бўлди.

Зеро, Шарқда тасвирий санъат жамият тараққиётига мос равишда даврнинг тасвирий талқини сифатида ривожланган. Ҳар бир ўқувчи онгида тарихий даврнинг тасвирий асарларидан ўрганиши шу даврга оид тарихий билимларни бойитиш имконини беради. Шу боис ҳам тарихий тасвирлар, деворий суратлар, миниатюра асарлари, шунингдек замонавий рассомларнинг тарихий мавзудаги асарларини ўрганиш, ўқувчиларнинг тарихий билимларини ошириш жараёнида муҳим омил сифатида тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Республикамизнинг тарихчи педагог ва методистлари томонидан ҳозиргача тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари ўрганилган бўлсада, унинг фанлараро алоқадорлик тамойиллари, хусусан тарих таълимида тасвирий санъат асарларидан фойдаланишга оид жиҳатлари махсус илмий муаммо тарзида тадқиқ этилмаган. Республикамиз олимларидан санъат тарихи соҳасида С. Мурзаев, Р. Фатхуллаев, Х.Каримов томонидан қисман ўрганганлар. Санъатнинг тарихий аспектларини Г.Пугаченкова, Л.Ремпель, А.Ҳакимов, Д.Фахрединова, Л.Аведова, С.Махкамова, К.Оқиловаларнинг тадқиқотларида атрафлича ўрганилган. Хусусан, Ўзбекистон тасвирий санъатининг пайдо бўлиш тарихи Г.Пугаченкова, Л.Ремпелларнинг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топган. А.Ҳакимовнинг "IV-XIII аср Мовароуннахр амалий санъати мазмуни ва мотивларига оид" мавзусидаги, тарихчи-педагоглар Н.Ремеев, С.Махкамов, Т.Турғуновларнинг тадқиқотларида, шунингдек бадиий педагогика йўналишини ўрганган Н.Абдуллаев, Н.Ойдинов, С.Булатов, А.Сулаймоновларнинг тадқиқотларида бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, шу пайтгача умумий ўрта таълим мактабларида тарих ўқув фанини тасвирий санъат ўқув предмети билан алоқадорликда ўқитиш масаласи махсус илмий

мавзу сифатида тадқиқ этилмаган. Бу муаммонинг ҳал этилиши тарих таълими самарадорлигини оширишни муайян даражада кафолатлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизнинг бир гуруҳ етакчи олимлари А.Асқаров, А.Мухаммаджонов, Р.Муқминова, Ҳ.Бобобеков томонидан умумий ўрта таълим тизимида тарих фанини ўқитиш ва ўрганишни такомиллаштириш мақсадида бир қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилди.

Бинобарин тарих фанида мустақиллик йилларининг дастлабки босқичидаги методологик парокандаликка, журъатсизликка, хато ва чалғишларга барҳам бериш ҳаётий зарурат эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон худудида илк давлатчилик асосларини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар, буюк алломаларимиз бу билан боғлиқ тасвирий санъат асарларини ўрганишдан иборатдир.

Тасвирий санъат манбаларини умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланишни амалга оширилиши тарихий ходисаларнинг бир ёқлама талқинидан қутулиб, хилма-хил фикрлаш, тафаккур юритишга, шунингдек тарих фанида шаклланган бир томонлама қарашлардан ҳалос бўлишда ижобий таъсир қилувчи самарали воситага айланади.

Ўтмишнинг ибратомуз томонларини, машҳур тарихий шахслар ҳаётини бадиий тадқиқ этиш бевосита тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжлари билан амалга ошириладиган ғоявий эстетик жараён бўлиб, бу ҳол истиқлолга эришган мамлакатимиз ва халқимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг нутқларида Туркистон тарихида қомусий олимлар, машҳур саркардалар, давлат арбоблари, босқинчиларга қарши курашган халқ қаҳрамонлари кўп бўлганлигини таъкидлаб, уларнинг фаолиятини ўрганишга ҳамда элимизга ибрат қилиб кўрсатишга даъват этиб келиши ҳам бежиз эмас. Зеро, аждодлар тўплаган тажрибани бизга етказиш бугунни теранроқ англашимизга, келажак сари собит қадам ташлашимизга тарихни билиш асосида эришилади. Шунинг учун бўлса керак барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машҳур тарихий шахслар ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган.

Яратилган ўқув адабиётлари ўрта таълим тизимида ўқувчилар учун ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб Ўзбекистон тарихи фанининг ўрта таълимдаги мазмуни даврлари, тарихий воқеаларнинг талқини бўйича янгича ёндошувнинг мавжуд бўлганлиги билан характерланади. Энг муҳими, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари таълим тизимида фаолият кўрсатаётган тарих таълими мутахассисларига зарур манба сифатида муҳим роль ўйнайди.

Тарих фанини ҳолисона ўрганишга киришилаётган

бир пайтда И.Турсинов, Ш.Қаримов, М.Содиқов, Қ.Усмоновлар томонидан “Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияда “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш ва ўрганишнинг зарурияти ва аҳамияти, ўқитиш вазифалари, методологик асослари ва тамойиллари ҳамда мазкур фаннинг асосий мазмуни ва унинг ёритилиши масалаларига эътибор қаратилди.

Тарих таълимини тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари воситасида ташкил этиш ўқувчиларда тарихий тафаккурни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларида мазмун ва шаклнинг мавзу, ва ғоянинг бирлигини ўзида ифодаловчи асосий воситадир. Масалан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва унинг қурдирган иншоотлари, Темурнинг жасорати ва мардлиги, ўша даврдаги халқнинг турмуш-тарзи ва ҳоказолар хусусида ҳикоя қилинади. Тарихий фактлар ҳеч вақт ёзувчини ўзига тобе қилиб қўймайди. Балки унга шу фактдан туртки олишга, унинг моҳиятини очишга давр руҳини бадиий инкишоф этишга олиб келади. Хулоса қилиб шуни

айтиш мумкинки тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари вақт ва муҳитнинг бадиий талқини тарихнинг турли қирраларини бадиий бўёқлар ёрдамида ўқувчилар кўз ўнгига янада ёрқинроқ чизилишига, тарихий воқеалар мазмунини тўлалигича эсда сақлаб қолишга ва ўқувчиларга ўтмишнинг ибратомуз воқеалар асосида тарбия беришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Асқарова. Ўзбекистон тарихи. 5-синф ўқитувчилари учун қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1994.-222 б.

2. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. 6-синф ўқитувчилари учун қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-320 б.

3. Муқимова Р. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 7-синф учун қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1994. -251 б.

4. Бобобеков Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 1994. 254 б.

Introduction historical artwork materials in order to enlarge historical education of pupils thereby increase their range of interests and thinking.

МАКТАБ БАЗАСИДА МАЛАКА ОШИРИШ: АМАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР

Ф.УМАРОВА – педагогика фанлари номзоди, доцент

Замонавий жамиятда инсоннинг ўзига хослиги, индивидуаллиги тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат мактаб олдида ўқувчилар шахсини уларнинг табиий салоҳияти асосида, тарихий-маданий қадриятлар, халқ анъаналари ҳамда илм-фан, техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш вазифасини қўяди ва бу вазифани бажариш масъулиятини юклайди.

Маълумки, шахсга йўналтирилган технологияларни амалга оширишда педагогнинг тайёргарлик даражаси, унинг мазкур ёндашувни қабул қилиши муҳим роль ўйнайди.

Кадрлар (жумладан, педагог кадрлар) малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, таълим турлари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳуқуқий асосланган.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли қарорига биноан амал қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда педагог кадрларни қайта тайёрлашнинг 2 тури мавжуд:

- педагогик қайта тайёрлаш;
- касбий қайта тайёрлаш.

Малака оширишнинг қуйидаги шакллари амал

қилади:

тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш):

- малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (академия, институт, марказ, факультет, курсларда) ўқитиш;

- базавий таълим муассасасида ўқитиш;

- “Устоз-шогирд” методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш;

- ишлаб чиқаришда тажриба орттириш;

- илмий тадқиқот муассасасида тажриба орттириш;

- хорижда тажриба орттириш;

- мустақил ўқиб билим орттириш;

билвосита малака ошириш (таълим дастурларисиз ўқитиш):

- илмий (илмий-педагогик) кенгашнинг қарори бўйича ижодий таътил;

- очик ўқув машғулотлари;

- илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашиш.

Малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш Ўзбекистонда педагоглар малакасини оширишнинг асосий шакли саналади. Ҳар бир педагог уч йилда бир марта махсус таълим муассасасида 144 соатга мўлжалланган дастур асосида ўз касбий маҳоратини такомиллаштиради. Курс якунида педагог битирув

малакавий имтиҳонларни топшириб, давлат сертификатини олади.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг юқорида қайд этилган расмий шаклларида ташқари, педагогнинг узлуксиз таълим олишига ёрдам берадиган **норасмий шакллар** ҳам мавжуд.

1. Ҳар бир умумий ўрта таълим мактабида фан услубий бирлашмалари мавжуд бўлиб, унга илғор тажрибали ўқитувчи раҳбарлик қилади.

Мактаб услубий бирлашмаси вазифалари куйидагилардан иборат:

- фан ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашувини ташкил этиш;

- очиқ дарсларни ташкил этиш, ўтказиш ва муҳокама қилиш;

- фанлар бўйича ҳафталик, декада, ойлик, анжуман, семинарлар ташкил этиш;

- йиғилишларда ҳамкасблар, методист-олимларнинг маърузаси, реферати, чиқишларини муҳокама қилиш;

- тажриба-синов, янги метод ва ёндашувлар апробацияси натижаларини таҳлил қилиш;

- ҳамкасбларнинг тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илғор тажрибани оммалаштиришга тавсия этиш ва бошқалардан иборат.

2. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида (ПКҚТМОИ) ўқитувчилар кафедраларга бирлаштирилган бўлиб, ҳар бир кафедра йиллик иш режаси асосида фаолият кўрсатади. Мазкур режада йил давомида ўтказиладиган тадбирлар: семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманларнинг мавзулари, ўтказилиш жойи ва муддати кўрсатилади. Семинарларда ҳар бир туман/шаҳар ХТБ методисти, илғор ўқитувчилар (кўпинча услубий бирлашма раҳбарлари) қатнашадилар.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, педагогларни касбий тайёрлаш бир неча босқичдан иборат: олий таълим, ишлаб чиқаришгача ўқитиш, ёш ўқитувчилар учун таништирув дастурлари, ишдан ажралмаган ҳолда мактаб базасида малака ошириш (**МБМО**).

Юқорида баён этилган семинарлар ўқитувчиларнинг маълум фанни ўқитиш малакаларини ривожлантиради, мактаб базасида малака ошириш эса хусусий мактабнинг эҳтиёжларини ҳисобга олади, ўзини ўзи ўқитадиган, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам қонунлари асосида яшайдиган жамоани шакллантиришга замин яратади.

МБМОНинг илк тадқиқотларига кўра, бундай дастурлар 1970 йилларда АҚШ, Канада, Бирлашган Қироллик, Австралия, Янги Зеландияда ўқитувчиларни ишдан ажралмаган ҳолда ўқитишнинг янги стратегияси сифатида юзага келди (7). 1980 йиллар ўрталаридан бу давлатлар МБМОНинг мактаб таълимини реконструкция қилиш ёки касбий ривожланиш ҳаракатига қиёсланадиган кенг қамровли дастурларни ишлаб чиқдилар. Кейинчалик уларга Япония, Исроил, Голландия, Германия каби давлатлар қўшилди.

Ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг амалий йўналиши ўтган асрнинг 90-йилларидан “МБМО бешиги” ҳисобланадиган Бирлашган Қиролликда

яққол намоён бўла бошлади (10, Б.131-132).

Ўқитувчилар учун бошланғич тренинг (ишлаб чиқаришгача ўқитиш)да университет/мактаб ҳамкорлигини АҚШ, Канада, Голландия каби давлатларда кўриш мумкин. Жанубий Мексика ва Голландияда Амалиётчилар жамияти тузилмаси жорий қилинган. Амалиётчилар жамияти – умумий мақсад билан бирлашган фаол ўқитувчилар гуруҳи бўлиб, жамият аъзолари ўртасида конструктив ёндашув, фаол ўқитиш методларини тарғиб қилади.

Университет/мактаб ҳамкорлиги асосида таҳсил оладиган ўқувчи/талабалар кўп вақтларини мактабда, синфда ўтказадилар, дарс бераётган ўқитувчиларнинг фаолиятини кузатадилар, ўрганадилар. Зеро, мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай фойдали адабиётни ўқиш амалий тажриба орттириш ўрнини боса олмайди.

Шу билан бирга, бошланғич тренинг айрим камчиликлардан холи эмас: 1) баъзан эксперт (устоз) моделининг босим ўтказиши кузатилади; 2) кўпинча ўқувчи/талабалар ўқитувчилар билан учрашиб, муаммоларни муҳокама қилиш ва ечимини топишлари учун вақт етишмайди, масофа ҳалақит беради; 3) кўпинча мактаб таълим жараёнида ўқувчи/талаба (бўлажак ўқитувчи)ларни қўллаб-қувватламайди: ўқувчи/талабага синф учун жавобгарлик юклатилмаган, у мактаб ҳаётида тўлақонли қатнаша олмайди. Ўқувчи/талабанинг фаолияти синф ва мактабнинг иши (дарс жадвали, ёзма ишлар, тестлар жадвали ва ҳ.к.)га ҳалақит бермасоғина рағбатлантирилади. Шундай қилиб, ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши ва мактабни ривожлантириш алоҳида соҳа бўлиб келмоқда. Университет/мактаб ҳамкорлиги талабларига қарамай, ўқувчи-ўқитувчиларни касбий ривожлантириш мактаб амалиёти мақсадларига мос келмаяпти.

Бундай ҳолатни педагогика коллежлари ўқувчилари ва педагогика институтлари талабаларининг педагогик амалиёти ўтадиган айрим мактабларда ҳам кузатиш мумкин. Амалиётчи-талабалар аксар ҳолларда синфдаги ўқув жараёнига аралашмай, дарс кузатадилар ва уларни мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари иштирокисиз таҳлил қиладилар. Шу тариқа педагогик амалиёт бўлажак ўқитувчиларни самарали тайёрлашга хизмат қилади, бироқ фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришга кам ҳисса қўшади. Бизнингча, ўқувчи/талабаларни касбий тайёрлашда МБМОни ташкил этиш йўлларини ишлаб чиқиш зарур.

Педагогларни касбий тайёрлашда **ёш ўқитувчилар учун таништирув дастурлари** муҳим аҳамиятга эга. Кўп давлатларда, жумладан, АҚШда энди иш бошлаётган ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган махсус дастурлар яратилган. Исроил таълим вазирлиги МБМО дастурига ўхшаш таништирув дастури лойиҳасини амалга оширмоқда, бунда масъулият педагогика коллежлари ва академик мактабларга юклатилган. Бироқ Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг кўпчилиги бошланғич тренинг ва МБМО ваколатларини кенгайтириш ҳисобига таништирув дастурларидан воз кечдилар (10).

1988 йили Японияда ёш ўқитувчилар учун бир йиллик мактаб тренинги жорий қилинди ва 1992 йилдан бошлаб тайёргарликнинг бу тури барча бошланғич, ўрта ва махсус мактабларда қўлланмоқда. Мактабга асосланган тренинг тизими Жигъю Кенкью деб аталади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра (9), ўқитувчилар Жигъю Кенкью талаблари асосида синф хонасида кузатиш, амалиёт ўтказиш, биргаликда тадқиқ этиш, ахборот алмашиш давомида математик формулалар, назарий ва мавҳум принципларни ўрганишга қараганда кўпроқ касбий билим ва маҳоратга эга бўладилар. Мутахассислар ҳамкорликда ўқитиш ва ўрганиш жараёнида кичик гуруҳларда фикр алмашиш муҳимлигини, таълим самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликда ривожланишига боғлиқлигини таъкидлайдилар.

Жигъю Кенкью 4 босқичдан иборат:

Ушбу механизм қандай амалга оширилади? Битта

мактаб жамоаси мисолида кўриб чиқиш мумкин.

1. Режалаштириш. Муаммони белгилаш, ҳамкорликда дарснинг батафсил режасини ишлаб чиқиш.

Мактаб ўқитувчилари (фан услубий бирлашмаси аъзолари) йил давомида ўрганиш ва ечим йўллари топиш учун белгиланган муаммо (масалан, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш)ни муҳокама қиладилар, ҳар бир синфда қўллаш мумкин бўлган ўқитиш методлари ва мазмунни ўқув дастурларига асосан ўрганадилар, дарс режаларини такомиллаштириш йўллари таклиф қиладилар.

2. Амалга ошириш (синаб кўриш). Ўқув дастури бўйича синов дарсларини ўтиш.

Бу босқичда ўқитувчилардан бири ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа бўйича дарс ўтади, бошқалар эса уни кузатадилар. Ҳар бир ўқитувчининг ўз вазифаси бор: кимдир дарс жараёнини видеотасвирга туширади, кимдир вақтни назорат қилади, бошқалар кузатиб, таҳлил қиладилар.

3. Баҳолаш (таҳлил).

Дарс якунлангач, барча ўқитувчилар тўпланиб, уни муҳокама қиладилар. Дарс давомида кузатувчилар дарс мақсадининг белгиланиши, ўқув материалининг мавзуга мослиги, тақдим этиш методлари, ўқитувчи фаолияти, ўқувчилар хулқи, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мулоқоти ва бошқа жиҳатларни ўргандилар. Дарс таҳлили ютуқ ва камчиликларни аниқлаш имконини беради.

4. Қайта ишлаш (татбиқ этиш). Дарс режалари, ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, ҳисобот, янги режани ишлаб чиқиш.

Якуний босқичда ўқитувчилар таҳлил давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида дарс

режасини қайта ишлайдилар, педагогларнинг касбий лаёқат (компетенция)ларини ривожлантириш учун ўқитишнинг янги стратегияларини таклиф қиладилар. Қайта ишлаб чиқилган дарс режаси барча (шу фан бўйича) ўқитувчиларга таклиф этилади.

Бундай ёндашув ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда самарали бўлиб, қисқа вақт ичида кўзланган мақсадга эришиш, ҳамкорликда ўқитиш, бир-бирдан ўрганиш имкониятини беради.

Кўп давлатларнинг **МБМО дастурлари** мактабга асосланган бошланғич тренинг ёки таништирув дастурларига нисбатан умумий хусусиятларга эга. Шунинг учун уни ўқитувчиларни тайёрлаш тизимининг бошқа босқичларига қараганда қўллаш қулай.

МБМОни жорий қилишда нималарга эътибор берилади?

1. МБМО дастурларининг ҳаммаси ҳам ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини самарали ривожлантиради деб бўлмайди. Масалан, италиялик ўқитувчилар ишдан ажралмаган ҳолда ўқитувчилар малакасини оширишни давлат миқёсида жорий қилиш мушкул бўлгани сабабли худудий институтлар хизматидан фойдаланмоқдалар. Кузатишларга қараганда, мазкур курслар мактаб амалиётига эмас, кўпроқ назарий маълумотларни ўрганишга йўналтирилган (10).

2. МБМОнинг оммалашини унга бериладиган тавсифга боғлиқ. Биринчи ёндашувга кўра, фақат мактаб ҳудудида ўтказиладиган тренинглар МБМО ҳисобланади. Иккинчи ёндашув мактаб таълимини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган барча тренингларни, ўтказилиш жойидан қатъий назар, МБМО деб белгилайди (6).

3. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўп давлатларда МБМО таълим соҳасидаги махсус лойиҳаларнинг бир қисми бўлиб, қишлоқ ҳудудида жойлашган ёки кам таъминланган ўқувчилар ўқийдиган мактабларни қамраб олади. МБМОнинг мақсади мактаб ўқув дастурлари асосида ўқитувчилар малакасини ошириш орқали таълим ислоҳотларини жадаллаштиришдан иборат. Шундай экан, у ҳар бир мактабда жорий этилиши лозим. Мутахассисларнинг фикрича, МБМОни давлат миқёсида қўллаш учун кучли сиёсат ва қўллаб-қувватлаш зарур (10, Б.138).

4. МБМО икки хил йўл билан жорий этилади. Фарбий Европа давлатларининг кўпчилиги, шунингдек Япония ва АҚШда МБМО мактабларнинг хоҳиши билан қабул қилинади.

Бирлашган Қироллик ва Исроил каби давлатларда МБМО давлат миқёсида тасдиқланган. Бирлашган Қиролликда МБМОни ташкил этиш таълим вазирлигининг маҳаллий бошқармаларига юклатилган бўлиб, улар мактабларнинг буюртмаларини ўрганиш натижасида уларга махсус грантлар ажратадилар. Исроилда МБМО мактаб жамоаси ва раҳбар ташаббуси билан амалга оширилади, таълим бўлимлари методистлари томонидан назорат қилинади (8).

5. МБМОни давлат сиёсати даражасида татбиқ этиш қатор афзалликлар билан бирга, айрим камчиликларга ҳам эга. Бу турдаги МБМО мактабларга босим ўтказиб, уни амалга ошириш ва ривожлантириш масъулиятини директорлар

зиммасига юклайди; марказлашган гоёларнинг илгари сурилиши хусусий мактаблар ташаббусини сусайтиради.

Мактаблар ўқитувчилар тренинги учун масъул бўлган ҳолларда ўқитувчи етишмаслигини бартараф этиш учун паст малакали ўқитувчилар ҳам ишга ёлланмоқда.

6. МБМО жорий этилган кўп мамлакатлар мазкур дастурларнинг мазмунини белгилашни мактаблар ихтиёрига бердилар. МБМО дастурлари ўқув дастурлари, командани шакллантириш, ходимларни ривожлантириш, мактаб бошқаруви, баҳолаш, кўп маданиятли таълим, рефлексив ўқитиш, ўқитишнинг замонавий методлари, мактаб муҳити, таълим тизимини ўқувчи эҳтиёжларига мослаштириш, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, маълум мавзуларни ўқитиш каби мавзуларни қамраб олади.

7. МБМО давлат миқёсида амалга ошириладиган мамлакатларда курс/тренинглари мунтазам равишда, кўпинча ўқув йили давомида ҳар ҳафтада бир ёки икки кун ўтказилади. Бироқ аксар мамлакатларда курслар қисқа муддатли бўлиб, бир неча кундан бир ҳафтагача давом этади; мактаб директорлари ёки илғор ўқитувчилар гуруҳи иштирок этади. Камдан-кам ҳолларда мактаб жамоаси тўлиқ қамраб олинади. Семинар-тренинглари сўнг мактаб вакиллари янгиликларни мактаб жамоасига етказишлари талаб қилинади.

Ўқитувчиларнинг касбий лаёқатини ривожлантиришда МБМО самарали эканлиги тадқиқотлар давомида аниқланди. Шунга қарамай, **МБМОни Ўзбекистонда ва жаҳонда жорий қилиш ҳамда ривожлантиришда маълум муаммолар мавжуд:**

- **Биринчи муаммо:** МБМО дастурларининг расмий мақоми билан боғлиқ. Бир неча санокли давлатларни ҳисобга олмаганда, кўпчилик мамлакатларда МБМО давлат миқёсида жорий қилинмаган. Бу ҳолат мазкур тадбирларни ўтказиш учун вақт ажратиш муаммосини туғдиради.

- **Иккинчи муаммо:** МБМОга расмий мақом берилмаганлиги ўқитувчиларни рағбатлантиришда ҳам намоён бўлади. МБМО сертификатлари ихтисослаштирилган таълим муассасасида малака ошириш якунида бериладиган ҳужжат ўрнини босмайди.

Жаҳон тажрибасида худди шундай ҳолат кузатилади, фақат Исроилда ўқитувчилар МБМО дастурида иштирок этганлиги учун ихтисослаштирилган таълим муассасасида малака ошириш сингари рағбатлантирилади (8).

- **Учинчи муаммо:** деярли барча давлатларда мактабларга МБМОни самарали ташкил этишда ёрдам бера оладиган мутахассис (тренер)лар етишмайди (10).

- **Тўртинчи муаммо:** мактабда ҳамжиҳатлик маданиятини шакллантириш мақсадида институт (университет)/мактаб ҳамкорлиги моделини ривожлантириш лозим. Бироқ баъзи ўқитувчилар мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилишга, синф хонаси эшикларини “очиш”га тайёр эмаслар, яъни дарсинг таҳлил қилиниши, баҳоланишидан

қўрқиш ҳамкорликни жорий этишга ҳалақит бермоқда.

- **Бешинчи муаммо** МБМО самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ. МБМО дастури мактабларнинг ички мониторинги (баҳолаши) натижалари асосида ишлаб чиқилиши ва мазкур дастурлар амалга оширилиш жараёнида мунтазам баҳоланиб бориши лозим. Шундай экан, мактаб ўқитувчилари тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлишлари талаб қилинади.

Мазкур муаммони ечиш ва Ўзбекистонда МБМО стратегиясини жорий қилиш мақсадида ЎзР Халқ таълими вазирлигининг “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда (5). Лойиҳанинг вазифаларидан бири умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ва ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари мудирлари ва тарбиячиларнинг малакасини ишдан ажралмаган ҳолда ошириш тизимини мустақамлашдан иборат. Лойиҳа доирасидаги тадбирлар МБМО самарадорлигини баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Илмий изланишлар ва амалий тажриба натижаларига асосан, Ўзбекистонда МБМОни самарали жорий этиш учун қуйидаги ишларни бажариш зарур:

- ўқитувчиларнинг ўқув фанини ўқитиш малакаларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир туман/шаҳарда фан бўйича таянч мактабни белгилаш, унга расмий мақом бериш;

- МБМОни самарали ташкил этиш учун зарур маблағ бюджетини ишлаб чиқиш;

- ўқув фани, ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси, мактаб жойлашган ҳудуд хусусиятлари, иш тартибини ҳисобга олган ҳолда қулай дастурлар ишлаб чиқиш;

- МБМОни амалга оширишда иштирок этадиган мутахассис (тренер)ларни танлаш (тайёрлаш).

Юқоридаги билдирилган фикрларни умумлаштириб, қуйидаги **хулосаларга** келиш мумкин:

- Таълим жараёни натижалари учун масъулиятнинг мактаб зиммасига юклатилиши ислохотларнинг асоси ҳисобланади.

- МБМОни давлат миқёсида жорий қилиш маълум харажатни талаб қилишига қарамай, заруратга айланмоқда.

- МБМО олий таълим даврида ўтказиладиган ишлаб чиқаришгача тренинг билан биргаликда амалга оширилганда самара беради.

- Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (педагогика институтлари) билан ҳамкорлик қилиш натижасида МБМО учун сарфланадиган маблағни тежаш мумкин.

- Кластер мактаблар ҳамкорлигини ривожлантириш мактаб бошқаруви, ўқитиш ва ўқиш жараёнларини ўзгартириш, мактаб ва жамоатчилик муносабатларини яхшилашга ёрдам беради.

- МБМО алоҳида стратегия эмас, балки таълим соҳаси муаммоларини ечиш механизми сифатида қабул қилиниши лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим

тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 1997 йил 29 август.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. -Т.: 1997 йил 29 август.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004.21.05 даги ПФ – 3431-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006.16.02 даги 25-сонли қарори.

5. Халқ таълими вазирлигининг Жаҳон банки инвестицияси асосидаги “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳаси ЎЗР Президентининг 2007 йил 2 январдаги “Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-551-сонли қарори.

6. Gardner, R. 1995. Inservice teacher education. In: Anderson, L.W., ed. *International encyclopedia of teaching and teacher education*, 2nd ed., p. 620-632.

Oxford, U.K., Pergamon Press.

7. Howey, K.R. 1980. *School focused in-service education: clarification of a new concept and strategy-synthesis report*. Paris, OECD/CERI.

8. International Bureau of Education (IBE). 1996b. *[National reports: strengthening of the role of teachers in a changing world.]* Geneva. [A total of 107 reports from different countries.]

9. Sarkar Arani, M. R., Shibata, Y. & Matoba, M. (2007). “Delivering Jugyou Kenkyuu for Reframing Schools as Learning Organizations: An Examination of the Process of Japanese School Change”, *Nagoya Journal of Education and Human Development*, Vol. 3, pp.25-36.

10. Yogev, A. School-based in-service teacher education in developing versus industrialized countries: comparative policy perspectives / *Prospects*, vol. XXVII, no. 1, March, 1997, pp. 131-149.

Preparing pupils on basis of historical and cultural wealth, national traditions, also science and certainly using modern informational technologies is completely depend on pedagogue and show his level of preparedness.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

М.РИМОВА - Низомий номидаги ТДПУ талабаси

Маъlumки, шахснинг атроф муҳит тўғрисидаги тушунчаси унинг онгида акс этади. Онг ишламай қолганда киши инсонлик қиёфасини йўқотади, яъни ўзининг хатти-ҳаракатларини билиб идора этмайди. Шахснинг онгли равишда ҳаракат қилиши ёки ҳаракатдан ўзини тийиши унинг психик ҳолатига боғлиқ.

Шахс фаолиятининг бошқа формалари каби ўқув жараёни ҳам психик хусусият билан боғлиқдир. Ўқитувчи (тарбиячи) ўргатилаётган ҳуқуқий нормаларнинг ўқувчилар онгига сингдирилишини идора этиб туриши керак. Бунинг учун ўқитувчи дарсни (нормани) ўзлаштириш жараёни қандай ўтаётганини, ўқувчилар бу материални қандай қабул қилаётганларини, эслаб олаётганларини кузатиб боради ва уларнинг психик хусусиятларига суянган ҳолда тарбия жараёнини тартибга солиб туради.

Шахснинг ҳуқуқий нормалар ҳақидаги тушунчаси, кишилар билан ҳуқуқий муносабатга киришиш қобилияти унинг психикасига асосланган ҳолда ривожланади. Шунинг учун тарбиячи ўз қарамоғидаги тарбияланувчилар психикасини ўрганмасдан туриб, олдига қўйган мақсадга эриша олмайди. Агар ўқитувчи ўқувчи психикасини ўрганса, унга индивидуал таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан психологик методга боғлиқдир.

Психологик метод 3 қисмга бўлинади:

- 1) кузатув методи (ташқи ва ички кузатув);
- 2) экспериментал метод (лабораторияда, табиий);
- 3) сўраш ва суҳбат методи (биография ва фаолиятни ўрганиш).

Кузатув методи коллективни ва шахсни ҳуқуқий тарбиялашда қўлланилади. Коллективга нисбатан ташқи кузатув методини, шахсга нисбатан ҳам ташқи, ҳам ички кузатув методларини қўлланиши мумкин. Масалан, мактаб жамоасида айрим ўқувчиларнинг тўполончилиги, қўпол хатти-ҳаракатлари оқибатида асбоб-ускуна, ўқув қуроллари, эшик-дераза синиши, мактабга зиён келтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ташқи кузатув методига асосланиб, ҳуқуқий тарбиянинг йўналишлари аниқлаб олиниши мумкин.

Ички кузатув методи фақат индивидуал ҳуқуқий тарбияда қўлланилади. Ўқувчиларнинг ички кечинмаларини кузатиб бориш, психик ҳолатга эътибор бериш тарбиясига, маслаҳатлар мазмунини аниқлашга имкон яратади.

Экспериментал метод жамоада, маълум бир территорияда тадқиқотлар ўтказиш йўли билан қўлланилади. Бунда жамоани ёки айрим шахсларни ҳуқуқий тарбиялашнинг зарур ҳамда самарали форма ва методлари илмий асосда аниқланади. Масалан, жамоада ҳуқуқ-тартибот бузилиши сабабларини, маълум бир территорияда такрорланаётган жиноий ҳаракат сабабларини махсус усулда ўрганиш ҳуқуқий тарбиянинг комплекс

чораларини аниқлашда ёрдам беради ва уларни амалга оширишда аниқ воситалардан фойдаланилади.

Табиий экспериментал методи айрим шахсларни ҳуқуқий тарбиялашда қўлланилади. Масалан, ақли заиф, руҳий беморлар ўзлари содир этган ҳаракатнинг ҳуқуқий оқибатига қандай муносабатда бўлганликлари аниқланади ва тарбиявий чора белгиланади.

Сўраш методи фақат индивидуал характерга эга бўлса, суҳбат методи жамоани ҳуқуқий тарбиялашда қўлланиш мумкин.

Сўраш-суриштириш методи айниқса ҳуқуқ-тартиботни, қонун-қонидани бузувчиларга нисбатан кўриладиган тарбиявий чораларни белгилашда катта аҳамиятга эга. Суҳбат методи жамоадаги ҳуқуқий ҳолатни ўрганишда, норматив актларни ўрганишда жуда қўл келади.

Илгари айтилганидек, шахс психикаси унинг онги билан параллель шаклланади. Ижтимоий онг жамиятда ҳукмрон бўлган ғоялар сиёсий, фалсафий, ахлоқий-ҳуқуқий, эстетик, диний дунёқарашлар системасидан ташкил топади. Ҳуқуқий нормалар ҳам шахс психикаси шаклланишида ижобий роль ўйновчи элементлардандир.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онги шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяр экан, аввало, шахслар психикасига таянади ва уларнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий тарбия ёрдамида шахслар психикасида қонунчиликка риоя қилиш руҳида бурилиш ясалгач, бу муҳит айрим шахслар психикасини тўғри йўлга солиш учун базага айланади.

Демак, ҳуқуқий тарбия кучи биринчи галда шахслар (жамоа) психикасида ҳуқуқий онги тарбиялашга қаратилиши лозим. Индивидуал психика жамоа психикаси таъсирида ва унинг таркибида ривожланади, яъни улар ажралмас бир жараёни ташкил қилади. Ижтимоий онгли шахс ҳуқуқий тарбия мақсадини тезда ўзлаштириб олади. Агар шахс психикасида хусусий мулкчилик кайфияти жойлашган ва илдиз отган бўлса, уни жамоа тарбиялай олмайди, унга нисбатан мураккаб индивидуал ҳуқуқий тарбия чораларини кўриш зарур бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. А.Рафиқов, О.Каримова, Ш.Эшонова. Ўқувчи ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш. -Т.: "Ўқитувчи", 1998.
2. О.Каримова. Ҳуқуқшунослик. -Т.: "Шарқ", 2002.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ ТАЛҚИНИ

А.З.ТОШҚЎЗИЕВА - Низомий номли ТДПУ илмий тадқиқотчиси

Адабиётимиз хазинаси ўзида шарқ мутафаккирларининг шундай ноёб асарларини жамлаган-ки, биз олимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий масалаларга бағишланган асарлари мисолида уларнинг табиат, тиббиёт, тарбия, фикр, риёзиёт, нуҳм каби илмлар қаторида ҳаётдаги тежамкорлик, иқтисод ва савдо илми, бунёдкорлик, поклик, тўғрилиқ, тежамкорлик, савдо ва ундаги ҳалоллик тўғрисидаги фикрларини билиб олишимиз мумкин.

Бу педагогика соҳасининг ҳали яхши ўрганилмаган қирраси бўлганлиги боис, биз мутафаккирларнинг юксак тарбиявий аҳамиятга молик қимматли фикрларидан тежамкорлик, бунёдкорлик, тадбиркорликка оид фикрларни ажратиб олиш ва болаларга иқтисодий таълим бериш жараёнида қўллаш имкониятларини ўргандик.

Бу ахлоқий насиҳатлар иқтисодий фикрлар билан уйғунликда баркамол шахс билиши зарур бўлган ўзига хос ахлоқ кодексини вужудга келтиради-ки, ундан бугунги замонавий бизнес эгалари, савдо аҳли, қолаверса ёшлар ҳабардор бўлишлари зарур. Зеро, фақат ахлоқий баркамол шахсдангина ҳалол савдогар ва виждонли ишбилармон чиқиши мумкин.

Маълумки, ислом дунёсида тежамкорлик Аллоҳга ва муқаддас китобларга эътиқод қилишдан кейин учинчи ўринда туради, аҳамият қилинган ўқиш, меҳнат ёки бошқа нарса эмас, айнан тежамкорлик, яъни

иқтисод қилиш турар экан. Буюк муҳаддис олим, ҳамюртимиз, Имом Исмоил Ал-Бухорийнинг пурҳикмат «Ал-Адаб Ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) асаридан ушбу жумлаларни ўқиш мумкин: «...Расулulloҳ: "Яхши сийрат, чиройли ҳайъат ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш ҳислатдан бир бўлагидир", - дедилар» деб ёзилади. Асарнинг "Исроф қилувчилар ҳақида"ги 444-ҳадисида "исроф" - "...молни гуноҳ йўлларга сарфлаш ёки ўзи ва бола-чақаси учун ҳам ҳеч нарса қолдирмай, хоҳ яхши, хоҳ ёмон йўлга бор йўғини бериб юбориш", - деб изоҳланади.

Муқаддас китобларда буюрилгани каби мутафаккирлар ижодида ҳам исрофгарлик, бузғунчилик, ҳою-ҳавасга берилиш каби иллатлар қораланади. Исрофга - у қайси кўринишда бўлмасин кишининг бору-йўғидан ажрашига олиб келувчи омил деб қаралади.

Исрофга йўл қўймасликни тарғиб қилувчи бу қимматли фикрлардан албатта болаларга иқтисодий таълим-тарбия бериш жараёнида самарали фойдаланиш зарур. Бугун давлатимиз иқтисодий маданияти паст савияда бўлган ёшлардан, хусусан болалардан жамоат жойларидаги интизомсизлик, шаҳар транспортлари жиҳозларига тўғри ускуналар билан нуқсон етказилиши, ўйин қилиб поезд вагонларига отилган тошлар оқибатида жуда катта зарар кўрмоқда. Бозор иқтисодиёти қонунлари, йўл-ўриқларини тўла-тўқис тушуниб етмаган

болаларнинг бозорларда тентираб, турли номаъқул йўллар билан пул топиш илинжида овора бўлиб беҳуда вақт ўтказиб юрганлиги ҳам бу муаммонинг ниҳоятда жиддий эканлигини тасдиқлайди.

Тарихсиз келажак йўқ. Биз аввало юртимизнинг савдо-сотик ишлари тарихи, унинг қонун-қоидаларидан яхши бохабар бўлмоғимиз ва бу манбаалар мазмунини замонавий иқтисодий билимлар билан уйғунлаштиришимиз лозим.

Кишилиқ жамиятининг турли даврларида молу-давлатга нисбатан муносабат турлича бўлган. Ўрта асрларда улар рағбатлантирилган, инқилоб ва яқин ўтган асрда унга бойликка ҳирс қўйиш нуқтаи-назаридан қаралиб қораланган бўлса, бугун унга ишбилармонлик эҳтиёжи ва бизнес маҳсули сифатида қаралмоқда. Қарашлар ўзгариб турган, бироқ, «молни ҳалол йўл билан тўплаш керак», - деган ақида ҳар бир давр, ҳар бир дин ва жамият учун хос ва ўзгармас бўлиб қолган.

Манбаалар асосида биз аждодларимиз омонатга нечоғли масъулият билан ёндашганлари, келажак авлодни пок савдогар, шунингдек мол-мулк, бозор муносабатлари, иқтисодий ва ҳуқуқий томондан саводли бўлишга даъват этганларининг гувоҳи бўлдик.

Бу ўз истеъдодини савдо-сотик, ишбилармонлик ва бизнес доирасида синаб кўриш мақсадида юрган ёшлар учун зарур бўлган илмдир. Зеро, иқтисодий саводхонликнинг асл мазмуни барча ишни қонуний тўғри, фойдали ва самарали ташкил этиш билимларини эгаллашдир.

Хусусан, шу ўринда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари бўлган миллий уйғониш даврида ижод қилган ўзбек маърифатпарварлари (жадидлар)нинг таълим-тарбия, иқтисод борасида билдирган қимматли фикрлари эътиборга молик.

Ўзбек маърифатпарвари, драматурги, педагог олими Абдулла Авлоний шеъриятининг бош йўналишини миллатда миллий онгни шакллантириш, ёшларни ишбилармонлик, тадбиркорлик, иқтисодий билимларни эгаллашга даъват ташкил этади. У «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида шундай ёзди: «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилди. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. ...Мол топмакликнинг энг баракали йўллари: хунарчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдир. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур. «Боболаримизнинг «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» замонлари ўтуб, ўрнига «Билган битар, билмаган йитар» замони келди. Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар. Ёврополиклар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамини кетуриб, ўзимизга 25 тийинга сотурлар!»

Абдулла Авлоний ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари, халқнинг аянчли иқтисодий аҳволи, моддий тирикчилиги - бир сўз билан айтганда ўша замон нафасини ачиниш билан шундай таърифлайди: «...Биз осиелилар, хусусан, туркистонлилар, думба сотуб, чандир чайнаймиз,

қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз. Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур».

Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби, Бўлмағай давлат жаҳонда қуввату сиҳхат каби. Иқтисод, инсоф зийнатдур вужуди одама, Яхши неъмат йўқ кишига саъй ила ғайрат каби.

шеърий сатрлари орқали Абдулла Авлоний замонасининг етилиб бораётган муҳим дардли муаммоларини назмда ифодалаган.

Биз юқорида Абдулла Авлоний ижодига мансуб бўлган асарлардан бир шингилдан намуна келтирдик холос. Бу денгиздан бир томчидек гап. Улар ичида ҳали иқтисодий жиҳатдан илмий ўрганилмаган асарлар талайгина.

Асрлар мобайнида ўзбек халқининг тарихи бойиди, урф-одатлари, удумлари қатори педагогикаси ҳам ўзгарди, унинг турли муаммоларини ҳал этишга бағишланган янги асарлар юзга келди. Бироқ ёш авлодга таълим-тарбия беришда мумтоз адабиёт вакиллари ижодига бўлган эҳтиёж сўнмади.

Демак, инсоният тараққиётининг қайси даврида яшаб ижод қилганидан қатъий назар бу маърифатпарвар илм аҳли ёшлар таълим-тарбияси, меҳнат, илму-одоб қаторида иқтисодий билимлар ва тежамкорлик ҳақидаги фикрлари ўзаро узвий, муштарак эканига манбаалар асосида гувоҳ бўлдик. Бу ижод намуналарида биз фақат шарқ халқларигагина хос бўлган ҳислатларнинг мавжуд эканлигини ҳис этдик. Асрлар давомида улкан ҳаёт тажрибаси элагидан ўта-ўта ҳикмат маҳсулига айланган бу адаб дурдоналарини биз маъжозий маънода турли дарахтларнинг мевали шоҳларига қиёс этишимиз мумкин, бу дарахтнинг шоҳлари турли томонга қараб бўй чўзиб турса-да, илдизлари бир жойда - шарқда туташади.

Ана шу нуқтаи-назардан шарқ мутафаккирларининг ижоди ўзининг гуманистик талқини билан авлодлардан-авлодга ўтиб, ўзининг юксак тарбиявий аҳамиятини йўқотмай, ҳануз инсоннинг олижаноб фазилатларини улуғлаб келмоқда.

Бу ғоялар XXI аср ёшларини ҳам тарбиядаги ўз ўрни, мазмун моҳияти билан комиллик сари етаклайди. Комиллик - миллат ғоясининг бош мазмуни. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ.

Адабиётлар

1. Имом Исмоил Ал-Бухорий «Ал-Адаб Ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) «Ўзбекистон». - Т.: 1990 йил.
2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар 2-жилд. - Т.: «Маънавият» 2006 йил.
3. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: «Ўзбекистон» 2001 йил.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ШАХС СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

М.Э.ЖУМАЕВ – ТДПУ п.ф.н., доцент

Ўқувчиларни ижодий шахс сифатида ривожланишини кучайтириш масалаларида математик моделлаш, алгоритм тузиш, алмаштириш методи ва бошқа математик методлар универсал саналиб, турли фанларни ўрганишда фойдаланилади. Масалан, рус тилини ўрганишда сўзларнинг морфологик таҳлили алгоритмлари, пунктуация нуқтаи назаридан гап таҳлили алгоритмлари тузилади. Математик моделлаш методи биологиядаги конкрет масалаларни ечишда қўлланилади (хусусан, чумолилар популяцияси сонини аниқлашда) ва ҳоказо. Ўрганилган математик назарияни химия, биология, физика, кристаллографияга илова қилиш бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида сўзсиз қизиқиш уйғотади. Бу муҳим омилни ҳисобдан чиқариш мумкин эмас. ОТМ “Ҳозирги аниқ фанлар концепциялари” курсида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тилга олинган фанлар билан тўқнаш келгани учун уларга бу фанларнинг математика билан алоқасини кузатиш қизиқиш уйғотади. Ўрганилаётган фанлар янги талқин этилади. Химия ва физика билан боғлиқ машғулот материали бошланғич синфда бевосита қўлланилиши мумкин эмас, лекин у бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари математика ҳақиқатан ҳам турли фанларда “ишлаши”га ишонч ҳосил қилишига имкон бериб, бу фанларга ўзининг умумий методлари ёрдамида уларнинг ўзига хос қонуниятларини ўрнатишга, шунингдек, махсус муаммолар ечилишида кўмаклашишини намоён қилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари алмаштиришлар ҳақида тасаввурни яхши математик даражада оладилар. Бу материал фанларро алоқа ўрнатилишида хизмат қилади. У математик қонунлар универсаллигини тасвирлашга имкон беради. Бу материални тўлиқ эгаллагач, бу масалалар бўйича етарли ахборотга эга бўлгач, талаба бошланғич синф ўқувчиларига ихчам ва қизиқарли шаклда билим қирраларини очиб бера олади.

Таълимнинг ҳозирги талаблари ихтиёрий босқичда таълим фундаменталлигини, яъни фандаги асосий тушунчаларни ажратиш ва моҳиятга таянувчи умумлашма малакани шакллантиришни тақозо этади. Бу асосий иккита вазифани ҳал қилишга кўмаклашади: **фанни чуқур ўрганиш** ва **зўриқишини бартараф этиш**.

Биринчи талабнинг бажарилиши: бошланғич мактаб математика курсида асосий математик гоя, тушунча ва далилларнинг акс эттирилиши – “бошланғич синфда геометрик тушунчалар”, “бошланғич синфда бўлиш назариясининг асосий қоидаларидан фойдаланиш”, “бошланғич синфда тенглама тушунчасини ўқитиш” ва дастурнинг ҳар бир бўлимида шунга ўхшаш саволлар мавжудлигидан иборат, **иккинчи талабга риоя этилиши:** геометрик

бўлимни кучайтириш, жумладан геометрик материалга бағишланган бўлимда кўриниб турган ўзгариш гоялари симметрия билан боғлиқ тушунчалар ҳисобига. **Учинчи талаб:** нафақат тарихий-математик ва эстетик элементлар, балки бошқа ўқув фанлари, санъат, амалий санъат, фаолият, атроф-муҳитдан иллюстратив материал жалб этиш ҳисобига математика курси гуманитаризациясини кенгайтириш, биз томонимиздан ишлаб чиқиш махсус курс ва танланма курсларда булардан кенгроқ фойдаланилади. Бундан ташқари, дастурга замонавий математик таълим талабларида устувор бўлган комбинаторика ва эҳтимоллар назарияси билан боғлиқ саволлар қўшилган.

Ўқув фани мантиғи фаннинг мантиқий конструкциялари вариантларидан бирини акс эттириши кераклиги учун билимларни ўзлаштириш психологиясини ҳисобга олган ҳолда илмий назариялар тузилиши тизимларини мантиқий-дидактик таҳлили ва таққосланиши масаласи юзага чиқади. Масалан, “Сон тушунчасини кенгайтириш” бўлимида ҳақиқий сонлар назарияси бошланғич таълим факультетида чексиз ўнлик даврий бўлмаган касрлар тушунчаси ёрдамида тузилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан “Математика” курси материалларини онгли чуқур ўзлаштирилиши уларга бошланғич мактаб материалига яхши йўналиш, масала ечишда изланиш йўллари тўғрилиги ва кўп маънолилигини назорат қилиш ўқувчиларни мушоҳада қилишининг мақсадга йўналганлиги ва тўғрилигини баҳолаш, масала тартибига мувофиқ келтириб чиқарилган ҳолларни тўлиқ қамраб олишга имкон беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчилар мулоҳазаси тўғри ва тўлиқлигини назорат қилиш учун доимий материал билимлари ёрдамида масалани тўлиқ ва ўзи учун асосланган ҳолда ечиб олиши лозим.

“Математика” курсини ўрганиш жараёнида математик қоида ва методларни бошланғич синф ўқувчилари учун тушунарли материаллар асосида тасвирлаймиз. Бунда ОТМ ва бошланғич математика ўртасидаги чуқур назарий алоқани намоён этиб, уларнинг бирлигини ўрнатамиз. Бу билан ОТМ математика курси ва бошланғич синф ўқувчилари ўрганувчи математика фанидан олинадиган билимлар ўртасидаги узилиш бартараф этилади. Бакалавр тайёрлаш чуқурлаштирилиши амалга ошади. Амалиёт кўрсатадики, математиканинг дастлабки бўлимларидан бошланғич мактаб математика курси билан алоқа кузатиб борилса, бўлғуси ўқитувчи сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида фаннинг касбий аҳамиятини англаш ва уни ўрганишга қизиқиш кучаяди. Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ижодий

фаоллигини ривожлантириш, мутахассис сифатида касбий фазилатларини амалда татбиқ этишга имкон беради.

Бошланғич таълим факультети учун “Математика” курси мазмуни бизнинг концепциямиз қоидаларига мувофиқ белгиланади. Юзага келган саволлар тўпламини ўз ичига олган ҳолда, у бизнинг назаримизда, геометрик ғоялар билан кучайтирилиши лозим. Шу мақсадда математика курси дастурига қуйидаги бўлимларни киритиш мақсадга мувофиқ: Евклид геометрияси, алмаштириш, аналитик ва вектор алгебраси элементлари, геометрик шакллар.

“Геометрия” бўлимида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий геометрия метод ва ғоялари билан – аксиома, координата, вектор методлари, геометрик алмаштиришлар методи, проекция чизмаси тузиш асосида масала ечиш усуллари билан танишув талаб этилади. Бу бўлимларни батафсил ўрганиш махсус курслар доирасида содир бўлади. Қайд қиламизки, педагогик факультет талабалари учун математика бўйича ҳозиргача мавжуд дастурларда геометрияга иккинчи даражали роль берилган. Уларда геометрик материал бошланғич мактаб бўлғуси ўқитувчи учун бўлган ҳажмдан анча кичик ҳажмда келтирилган. Бу ҳолат бошланғич мактаб геометрик материали мазмуни бугунги кунда ҳам кучайтирилишга ва батафсил саралашга муҳтожлиги билан изоҳланади. Математиканинг бошқа бўлимларига нисбатан геометрик материал ўқувчиларни шахс сифатида ривожланишида кўпроқ ҳисса қўша олади. Чунки геометрик масала, одатда, ечилишида ижодий ёндашув талаб қилади. Геометрик асбоблар фойдаланилган машғулотлар ўқувчилар диққатини жалб этади, уларда материалга нисбатан катта қизиқиш уйғотади, ўқувчиларда геометрик материаллар билан ишлаш малакаси ҳосил қилишга кўмаклашади. “Ўйловчи қўллар” тушунчасига мутаносиб равишда масала ечишни ўзгариш асосида олиб борилишида баъзан айнан ечиш ғояси пайдо бўлишига туртки беради.

“Евклид геометрияси” нинг биринчи мавзусининг асосий мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларда мавжуд мактаб геометриясини тизимлаштириш, умумлаштириш ва чуқурлаштириш ҳисобланади. Бу ерда учбурчак ва тўртбурчак геометрияси батафсил кўриб чиқилади, параллеллик аксиомаси муаммоси ва Лобачевский, Риман геометриясининг айрим элементлари билан танишув содир бўлади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилар геометрик масала ечишда билим ва кўникмага эга бўладилар. Бу мавзуни ўрганиш мақсади, шунингдек, геометрик тушунчани аниқлаш малакасини шакллантириш, уларни таснифлаш, мушоҳададаги мантикий хатоликни топиш ҳисобланади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда геометрик материал муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниши муҳим саналади. Маълумки, Евклидгача геометрик билимлар бевосита тажриба-синов ва кузатишга асосланган. Хулосалар эса кўрсатмалилик асосида чиқарилган. Геометрия абстракция билан уйғунлашиб, аниқ реализацияси мактаб ўқувчилари томонидан сезги жараёни ва кинэстетик фаолият ёрдамида

шаклланади. Геометрик шаклларни ўлчаш билан чамбарчас боғлиқ геометрик тушунчаларни интуитив ва бевосита малакавий ўзлаштириш методи болалар психологияси хусусиятларига, унинг қабул қилиш тезлиги, фаол тасаввури, хотирасига кўпроқ жавоб беради. Бошланғич синф ўқувчилари геометрик ғояларни ўзлаштиришда дастлабки кенг фойдаланувчи методи интуиция ва тажриба асосида геометрияга оид маълумот тўплаш ва улардан фойдаланиш бўлиши зарур. Бунда масалар, қути ичига текис геометрик шакллар жойлаш ёки ҳажмни жинслар билан тўлдиришга имкон бериб, бу бошланғич синф ўқувчиларида шакллар тенг, катталиги тушунчасини интуитив фикрлашга олиб келади. Бундан ташқари, бошланғич математика курси таркибида геометрияга оид қисмларни кучайтириш бошланғич синф ўқувчиларини геометрия тизимли курсини ўзлаштиришда тайёрлайди.

Биз “Математика” курси масалалари характериға қарашни ўзгартирамиз. Уларда шартларини турлича талқин қилиш мумкин бўлган, ечимлар тўплами бир маъноли бўлмаган ортиқча ёки етарли бўлмаган маълумотлар келтирилган масалалар берилиши лозим. Бундай масалалар ечиш жараёни қийин алгоритмланади. Улар ностандарт ёндашув, масала вазиятини яхлит қамраб олинишини талаб қилади.

Бундай мисолларга намуналар келтирамиз.

Масала. Гулнорада қоғоздан кесилган учбурчак бор эди. У учбурчакни тўғри чизик бўйича иккита фигурага ажратдим. Бунда қандай фигуралар ҳосил бўлиши мумкин?

Масала саволи болаларни турли ҳолларни кўриб чиқишга йўналтиради: тўғри чизик бўйича кесиш турлича бажарилиши мумкин. Изланиш уларни икки ҳолат тасвирланишига олиб келади: а) тўғри чизик учбурчак баландлигидан ўтади. б) тўғри чизик учбурчак баландлигидан ўтмайди, демак у икки томонини туташтиради. Масала шартига жавоб беруви турли ҳолатларни кўриб чиқиб бошланғич синф ўқувчилари ечимининг 2 хил вариантыга эга бўлади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчилар томонидан шу масаланинг бошқа ечимга изланишини ташкил этиб, уларни бири сифатида (тенг ёнли учбурчак – симметрия ўқли фигура эканини эслаб) тенг ёнли учбурчак олишга йўналтиради ва иккинчи ечим олинади:

Алмаштириш – геометриянинг асосий тушунчаларидан бири, Ф.Клейн геометрияни муайян алмаштиришлар гуруҳининг инвариантлари назарияси сифатида берилган эди. Алмаштиришнинг хусусий ҳоли сифатида ҳаракат келтирилади. Ҳаракат гуруҳлари инвариантлари назарияси Евклид геометрияси ҳисобланади. Ҳаракат ва ўхшашликларнинг турли шакллари, уларнинг хусусиятларини кўриб чиқиш, шунингдек, геометрик ўлчаш назариясига “Геометрик ўлчаш” бўлимида асосий ўрин ажратилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига исбот ва ўлчаш асосида масала ечиш ўргатилади. Исботли масалалар мантикий мушоҳадага қатъий риоя қилишга ўргатиб, мантикий тафаккур ривожланишини белгилайди. Ўлчашга оид масалалар, одатда, стандарт ечимга эга бўлмайди. Шунинг учун бундай масалалар бўлғуси ўқитувчи учун муҳим бўлган

ижодий ностандарт тафаккур ривожланишига имкон беради. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида фазовий фигуралар алмаштириш бўйича кўникма ҳосил қилиниши ҳам талаб этилади – призма, пирамида, конус, цилиндр ва уларнинг кесмалари. Геометрик асбоблар билан ишлай олиш (циркуль, чизғич, бурчак ва б.) касбий тайёргарлик қисми сифатида ўқитувчи учун жуда зарур.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ўқувчилар тўғри чизиқ, кесма, тўғри бурчак каби муҳим тушунчаларни ўзлаштириши учун улар бу объектларни қура олиши зарурлиги тушунчасини шакллантираемиз.

Тўғри бажарилган график, расм, ҳисобли масала ечиш режасини тузишда катта аҳамиятга эга бўлса, нотўғри бажарилгани ўқувчи фикрини нотўғри йўлга йўналтиради, асосий геометрик тушунчалар шаклланиш жараёнини секинлаштиради ва мураккаблаштиради. Масала шартига кўра ўзаро перпендикуляр диагоналли тўртбурчакни талабалар ромб шаклида тасвирлаб, бунга катта аҳамият бермайди. Кейин эса шартда берилган тўртбурчакка ромб асосларини асоссиз татбиқ этиб, нотўғри ечим ҳосил қиладилар. Агар талабалар бундай алмаштириш ўринсиз эканини ўзлаштириб олсалар, бошланғич синф ўқувчиларига шартга кўра берилган тўғри бурчак ўрнига квадратни тасвирлашга имкон бермайдилар. Вазиятни имкон қадар тўлиқ қамраб олишга интиладилар.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан ўқувчилар геометрик фигура ва масаланинг график усулда ечиш учун геометрик асбобларини қўлларкан, кўплаб фойдали амалий кўникмалар эгаллашни тушуниши муҳим. Бугунга эса мактабда етарлича вақт ва эътибор ажратилмаган. Турли асбоблар (бир томонли, икки томонли чизғичлар, циркуль, турли кўринишли учбурчак, транспорир, пактограф ва б.) ёрдамида геометрик алмаштириш машқлари бошланғич синф ўқувчилари методикасини ривожлантириш, ўқувчилар алгоритмик саводхонлик эгаллашининг яхши воситаси ҳисобланади. Булар келгусида компьютер техникасини ўрганишда асқотади.

Аксиома методи ва алмаштириш методи билан бир қаторда геометрияда координата методи билан танишув талаб этилади. Унинг асосида текислик нуқталари ва ҳақиқий сонларнинг тартибли жуфтликларининг ўзаро – бир қийматли мослиги ётади. Координата методи – математиканинг муҳим методи. Шунинг учун талабалар ундан масала ечишда фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Бунинг устига, бошланғич мактаб учун математика бўйича кўплаб муқобил ўқув қўлланмаларда координаталар системаси тушунчасига машқлар киритилган (масалан, бошланғич синф ўқувчиларига асосий йўлни катаклар бўйича тасвирлаш ёки бошқа масалалар таклиф қилинганда).

Замонавий математиканинг турли бўлимлари ва унинг татбиқларида вектор фазолари ғоялари чуқур кириб бормоқда. Мос равишда элементар геометрия курсида вектор тушунчаси ва вектор устида амаллар жонланмоқда. Методологик нуқтаи назардан геометрияни ўрганишнинг бу йўли қимматли саналади. Чунки замонавий ғоялар жамланган ва математика, физика, иқтисодиёт ва билимнинг бошқа

соҳаларининг долзарб бўлимларига яқинроқ қисқа ва аниқ баён келтирилади. Бу ерда кўрсатмалилик ва фазо тасаввурлари масаласига эътибор қаратилиши лозим. Масалани вектор методида ечиш математикада кенг тарқалган ва қимматли саналади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари векторлар алгебраси элементларини масала ечиш ва теорема исботлашда қўллашда ўрганади. Бу билимлар уларга келгусида вектор катталиклари тушунчасини ўқитишни амалга оширишда кўмаклашади.

Бошланғич таълим факультети талабалари математик таълимида геометрик материал улушини тавсифланган оширилиши бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни ижодий шахс сифатида шакллантиришга, яхши тайёргарлигига имкон бериши лозим. Чунки бунда бўлимнинг қиммати, геометриянинг тез-тез ижодий ёндашув асосида масала ечиш ва шартлар асосида текширишни талаб қилувчи фан сифатида ўзига хосликлари таъсири қўл келади. Бундан ташқари, геометрия масалалари кўрсатадики, математика илдизлари инсоннинг амалий фаолиятида, ҳаётда ўз аксини топган. Шундай турдаги масалага мисол келтирамиз.

Масала. Квадрат шаклдаги ер майдони тўсиқ билан ўралган. Тўсиқдан квадратнинг параллел томонларида икки устун сақланиб қолди. Бундан ташқари, квадрат марказида ҳам устун қолди. Майдон чегараларини тиклаш талаб этилади.

Масала шартидан келиб чиқувчи турли ҳоллар кўриб чиқилишини талаб этади. Агар тўсиқдан четда қолган устунларга мос равишда M ва N нуқта марказга нисбатан симметрик бўлмаса, у ҳолда ечим битта. Агар M ва N марказга нисбатан симметрик бўлса, у ҳолда ечим чексиз тўпламдан иборат.

Бу масалани бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчилар билан ҳам кўриб чиқадиладар. Олиб борилган тайёргарлик ишидан сўнг унинг ечими ўқувчиларда қийинчилик туғдирмайди ва уларнинг эътиборини қизиқтиришда фойдаланилади. Тайёргарлик босқичи квадрат хусусиятини марказга симметрик фигура сифатида тадқиқ этишдан иборат. Қуйидаги кўргазмалар қуролдан фойдаланилади: техник материалдан квадрат намойиши тахтасининг симметрия марказига мустаҳкамланган, марказ орқали ингичка чизиқ (текис ва квадрат диагоналидан узунроқ) ўтади, уни айлантиришда квадрат марказга симметрик фигура эканини исботлашга имкон топилади.

“Математика” курсида фаннинг ички ва математика ўқитиш методикаси, гуманитар билимлар билан фанлараро алоқасини ўрнатилади. Математиканинг амалий жиҳатлари ёритилади. Математикани ўрганиш шунингдек, илмий тадқиқот фаолияти шаклланишида муҳим ҳисобланувчи тадқиқотнинг асосий математик методларини ўзлаштиришни талаб этади.

Methods of mathematical modeling and other mathematical operations are assisting in pupil mental development and at the same time associated with other subjects.

ШАХС ХУЛҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ РЕКЛАМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Н.Н.ШОМУРОТОВА - ТДИУ тадқиқотчиси

Ф.Н.ТОШПЎЛАТОВА - Баткент Давлат Университети талабаси

Жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларни ифодаланишида, жамият тараққиётига, ундаги инсоний муносабатлар тизимида таъсир этишда оила бош маскандир. Оиладаги шахслараро муносабатлар ва ундаги мавжуд ижтимоий ролларни тўғри тақсимланиши замирида бир қанча эҳтиёжлар тизими қондирилади. Шунингдек, оилада шахс хулқ-атворини, иқтисодий тафаккури ва тежамкорлигини, маънавий ва жисмоний шаклланишида кундалик ҳаётимизнинг фаол қисмига айланиб бораётган реклама маълумотлари ва хизматларининг таъсири кучли аҳамиятига эга. Зеро, жамиятдаги қарор топиб бораётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ҳар бир шахсни маълум маънода шаклланишига, ижтимоий фаоллигининг ошишига кескин таъсир қилади. Бу хусусида Президентимиз И.А.Каримов куйидагича таъкидлайдилар: «кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш зарур». Хусусан, рекламалар бугунги кунда ҳаётимизда ана шундай таъсир аҳамиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Ҳар қандай кучли психологик таъсир аҳамиятига эга бўлган реклама маълум бир шахсга жамиятдаги, оиладаги мавқеи ва ижтимоий роллари нуқтаи назаридан йўналтирилган бўлади. Шу ўринда оилада ҳам бир мунча роллар тизими мавжудки, у оила аъзоларининг бажараётган фаолиятлари моҳиятини ўзида ифодалайди. Идрок қилинаётган реклама маълумотлари ва хизматлари эса айнан ана шу ижтимоий роллари таъсирида англашилади. Рекламалар кўп ҳолларда иқтисодий жараёнга таъсир этувчи бўлиб саналса-да, ижтимоий рекламалар шахс хулқ-атворини ўзгартиришга, ижтимоий турмуш тарзини ижобий томонга мазмунан янгича шакллантиришга йўналтирилган бўлади. Хусусан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ижтимоий рекламаларда турли ёмон одатларга ўрганиб қолмаслик, саломатликка салбий таъсир қилувчи иллатлардан йироқ бўлиш каби мақсадлар бош ғоя сифатида ифодаланади. Соғлом турмуш тарзи бу инсонни тўғри фикрлашга, тўғри муомала қилишга ва ижобий хулққа эга бўлишидир. Оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган маълумотлар, телевидение орқали берилаётган реклама тасвирлари ҳам соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришда самарали тарғибот шаклларида бири ҳисобланади. Масалан, зарарли одатлардан

воз кечишнинг фойдаси, тўғри ва вақтида овқатланиш, жисмоний машқларни ўз вақтида бажараётган машҳур кишилар ифодаланган тасвирлар ҳам соғлом турмуш тарзига кўникма хосил қилади. Масалан, “СПИДга қарши кураш”, “Гиёҳвандлик-аср вабоси”, “Болаларни асраб-авайланг”, “Кексалар хонадонимиз файзи”, “Обод маҳалла яратамиз” каби мавзуларда ифодаланган ижтимоий рекламаларда ана шундай ижобий турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётнинг ёрқин кўринишлари ўз аксини топган. Бундай ижтимоий рекламалар тарбиявий таъсирига кўра кенг қамровли бўлиб, у кекса ва ёшлар гуруҳини қамраб олади. Соғлом турмуш тарзи маълум жисмоний ва тиббий талабларга итоат қилишдангина иборат бўлмай, аввало бу ўзаро муомаладаги соғлом руҳият, самимиятга йўғрилган ижобий одатларнинг барқарорлигидан иборатдир. Демак, инсон саломатлигига таъсир этувчи ижтимоий омиллардан саналган оила ва ундаги барқарор таркиб топган ижтимоий муносабатлар шахс саломатлигини таъминловчи иммунитетни кучайтириши мумкин. Бу айниқса ўзбек оилаларида мустаҳкам шаклланган руҳий саломатлик, ўзаро қўллаб қувватлаш, ҳайрихоҳлик билдириш каби инсоний муносабатлар тизимида ўз ифодасини топган. Айнан руҳий саломатликни мустаҳкамлаш орқали жисмоний саломатликни сақлаш ва бошқара билиш ғояси ХХ аср бошларида психолог ва психиатр мутахассисларни диққатини тортган. Жумладан бу борадаги олиб борилган самарали тадқиқот ишлари қаторида рус олими С.С.Корсаковнинг ишлари диққатга сазовордир. у шахснинг яхлитлиги доирасида шуни таъкидлайдики, унинг фикрича руҳий беморларда энг аввало шахс шахс яхлитлигини ташкил этувчи бевосита алоқадор бузилишлар кузатилади. Бу ҳолат бир қанча соҳаларга бўлган муносабатлари тизимида ҳам кузатилади. Яъни, унинг фикрича, ҳаётини қадриятларга, ахлоқ нормаларига нисбатан муносабатлари ўзгаради. Шунингдек, соғлом фикрлаш тарзи бузилади. Шу ўринда маънавий ва руҳий саломатлик, энг аввало инсонни ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари тизими чамбарчас боғлиқликка эга бўлиб, бунда шахсни ўз мавқеини идрок қилиши ва ҳаётини фаоллиги катта аҳамият касб этади. Айнан мана шундай вазиятларга ўргатишда, шахслараро илиқ муносабатни руҳий соғломлаштиришга таъсир хусусиятларини таъкидлашда ижтимоий рекламалар муҳим

аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатларда ижтимоий рекламаларнинг йил танловлари ташкил этилиб ундан кўзланган мақсад энг таъсирчан ва шахсдаги ижобий ҳулқ кўникмаларини таркиб топтиришда таъсир эта олиш кучига эга бўлган рекламаларни кўпайтиришдир. Жамиятда иқтисодий самарадорликни энг юқори кўрсаткичларида инсон омили, унинг тўғри ташкил этилган турмуш тарзи туради. Шу боис ҳам, соғлом турмуш тарзига бўлган адекват муносабатни шакллантириш, унга амал қилиш кўникмаларини таркиб топтириш соғлом жамият ва унинг бардавомлилигини таъминлашга қўйиладиган мустаҳкам пойдевордир. Бу ўринда маҳаллий реклама ишлаб чиқувчилар ижтимоий рекламаларда ижобий ҳаёт мазмунини акс эттирувчи, таъсирчан ва ибратли лавҳаларни ифодаловчи миллий характерга хос бўлган ижтимоий рекламаларга эътиборни кўпроқ қаратишлари лозим бўлади. Маънавий ҳаёт чизгиларини ҳам ижтимоий рекламаларда берилиши шахс саломатлигига самарали таъсир қилади. Чунки, руҳий саломатлик нафақат вужуд ва тан гигиенасини, балки маънавий соҳани, ахлоқий нормаларга нисбатан соғлом

тарзидан йироқроқ бўлишга, атрофдагиларга нисбатан ҳам эътиборли бўлишга имкон берувчи ижтимоий ҳулқ кўникмалари шаклланади. Бундан ташқари, оналарни асраб-авайлашга, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатишга, ўзаро шахслараро ижобий, инсонпарвар туйғуларни шакллантиришга қаратилган рекламалар ҳам аҳамиятига кўра қайд этилган (аёл ва оналарни, кекса-нуронийларни асраш-11,1%). Юқоридаги тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда ва мантиқан давомийлигини тўлдирган ҳолда Ватанга муҳаббат ҳиссини шакллантирувчи, уни янада адекват англатувчи, унга нисбатан ҳар доим фидойликни ифодаловчи рекламалар ҳам кўрсатиб ўтилган (маҳалланг-уйинг-10,0%). Бу эса ёшларни маҳаллани, Ватанни бир бутун тўқис ҳолда идрок этишларини, уни ҳар доим энг яхши сифатлар билан тасаввур қилишларини англатади. Бундан ташқари шахс ўзидаги салбий иллат ва сифатлардан ҳоли бўлолсагина, ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атворини онгли тарзда бошқара олсагина ўзи яшаётган Ватанига муносиб, ён-атрофидаги яқинларига нисбатан эътиборли бўлиши мумкин. Айнан мана шундай муносабат сўровимизда иштирок этган

№	Қандай ижтимоий рекламаларни биласиз?	Йигитлар n-45		Қизлар n-45		Жавоблар % ҳисобида Жами n-90	
		сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
1	Қулликка рози бўлманг	10	22,2%	11	24,4%	21	23,3%
2	Аёл ва оналарни, кекса-нуронийларни асраш	5	11,1%	5	11,1%	10	11,1%
3	Гиёҳвандлик аср вабоси	11	24,4%	10	22,2%	21	23,3%
4	Маҳалланг – уйинг	4	8,9%	5	11,1%	9	10,0%
5	СПИД – умр заволи	10	22,2%	10	22,2%	20	22,2%
6	Болаларни асраш	5	11,1%	4	8,9%	9	10,0%

респондент ёшлар жавобларида келтирилган. Демак, оммавий ахборот воситалари ва кўчаларда ўрнатилган катта реклама тасвирлари орқали узатилаётган ижтимоий рекламалар ёшларни турмуш тарзини тўғри йўлга қўйишларида, ўзаро муносабатлар тизимида ижобий субъектив ҳулқ кўникмаларига фикрлаш билан боғлиқ психогигиенани, ўз-ўзини тарбиялашни ифода этади. Шунинг учун ҳам болани илк ёшлик чоғлариданоқ соғлом турмуш тарзига ўргатиш лозим. Уларда оила муҳитида аввало соғлом фикрлаш ва ўз-ўзини бошқара олишга ўргатиш керак. Биз бугунги кунда ижтимоий рекламаларни таъсир хусусиятларини ўрганиш ва уни ёшлар гуруҳи томонидан қанчалик қабул қилинишини аниқлаш мақсадида респондент ёшлар ўртасида кичик сўровлар ўтказдик.

Ўтказилган сўров натижаларидан кўриниб турибдики, ёшлар ўртасида ижтимоий рекламаларга муносабат аҳамиятли даражага эга. Йигитлар ўртасида “Гиёҳвандлик” (24,4%) “Спид” (22,2%), “Инсон савдоси” (22,2%) мавзуларига бағишланган ижтимоий рекламаларга эътибор бир мунча юқори эканлигини кузатдик. Қизлар томонидан ҳам айнан мана шу рекламалар (Қулликка рози бўлманг-24,4%) (Гиёҳвандлик аср вабоси-22,2%), (Спид-умр заволи-22,2%) кўп қайд этилган. Демак, бугунги кунда соғлом турмуш тарзини ва соғлом авлод келажагини тарғиб қилувчи рекламалар ёшлар томонидан таъсирчанлик билан идрок қилинаётганлигини, бунинг натижаси ўлароқ уларда ўз ҳаётини қуришда бундай носоғлом турмуш

эга бўлишларида, воқелиқдаги рўй бераётган ходиса ва янгиликларни мантиқан мушоҳада қила олишларида ва ўз “Мен”ини тўғри йўналтира олишларида муҳим ижобий таъсир аҳамиятига эга. Жамиятнинг фаол қатламини ташкил этадиган ёшларни мавжуд тасаввурлари тизимини онгли ижтимоий установакалар асосида шакллантиришда ижтимоий таъсир воситаларининг аҳамияти юқори. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, шахс тарбиясини ва уни турмуш тарзини тўғри йўлга қўйишда, ижобий барқарор психологик имкониятларини очишда ва адекват ҳулқ кўникмаларини шакллантиришда, жамиятдаги рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ходисага нисбатан онгли мушоҳада ва муносабат билан ёндошишни юзага келтиришда ижтимоий рекламалардан самарали фойдаланишни, уни янада таъсирчанлигини оширишни долзарб мақсад қилиб белгилаш зарур. Бу эса рекламаларни ижтимоий соҳадаги яна бир муҳим ўрнини белгилайди.

Advertisement information and this sort of services are playing important part in developing of person in family, affect on his mental and physical formation, and concern economical thinking.


ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИБ ОДДИЙ ЧИЗМАЛАРНИ БАЖАРИШ

Д.С.САИДАҲМЕДОВА - ЎзПФИТИ аспиранти

Таълим тизимига нафақат педагогик технология, балки техника ва компьютер технологияларини жорий этиш, компьютерлаштириш ҳамда график ахборотларни ўқув жараёнига татбиқ этиш талаб этилмоқда.

Янги техника ва технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган компьютер асримизда, замонавий компьютерлар ишлаб чиқарилиши билан бир қаторда, жуда катта имкониятларга эга бўлган турли график дастурлар тизими ҳам яратилмоқда. Уларга WINDOWS тизимида ишлайдиган Paint, MS Word, MS Power Point, MS Excel, 3DMax, CorelDraw, PhotoShop ва AutoCAD каби дастурлар киради. Ҳаммамизга маълумки, бу дастурлардан Paint – расм чизиш ва таҳрир қилиш учун, Word – матн киритиш ва таҳрир қилиш учун, Power Point – тақдимот яратиш, Excel – иқтисодий масалаларни ечиш учун, 3Dmax – уч ўлчамли объектларни лойиҳалаш учун, CorelDraw ва PhotoShop- асосан бадиий тасвирлар ёки чизмалар чизиш ва уларга ишлов бериш учун ва ниҳоят, AutoCAD–лоийҳа ишларини автоматлаштирилган ҳолда бажариш учун мўлжалланган.

Мақтабда ўқувчилар асосан, Paint график дастури ёрдамида расм чизишни ўрганишади. Бу график дастурнинг имкониятлари расм ва содда ўлчамсиз чизмаларни чизиш, улардаги чизиқларга ва берк соҳаларга ранг бериш, умуман олганда, рассомчилик учун қўйилган талабларни қаноатлантиради. Бундай ҳолни Word дастурининг «Рисование-расм чизиш» график редакторида ҳам учратиш мумкин, лекин, унинг чизма бажариш бўйича имкониятлари Paintга нисбатан анча юқори. Шу нуқтаи назардан, чизмачилик фанида Word дастурининг «Рисование-расм чизиш» график редакторидан фойдаланиб содда чизмаларини бажариш мумкин.



1-расм

Масалан, энг оддий чизма примитиви–кесмани тасвирлаш имкониятини таҳлил қилиб кўрайлик. Бунинг учун аввал «Рисование-расм чизиш» панели ускуналари билан танишиб чиқамиз (1-расм).

1. **«Рисование»** ускунаси ёрдамида матн териш жараёнида график тасвир элементларни бир-бирига боғлаб турувчи, гуруҳлар яратишда, гуруҳларни бекор қилишда, қатлам тартибини белгилашда, экранни тўр ҳолатига ўтказишда, тасвирни суришда,


тасвирни матнга сингишини ва автофигураларни ўзгартириш каби, 2-расмда кўрсатилган амалларни бажаришда фойдаланилади.

2. **«Выбор объектов»** - объектни танлаш ускунаси.

3. **«Свободное вращение»** - объектни бирор бурчакка буриш учун ишлатилади, масалан, 4-расмдаги цилиндрнинг вазиятини ўзгартириш учун, у ажратилади ва «Свободное вращение-эркин буриш» ускуна тугмаси юкланади.

Ёки ажратиб олинган объектнинг яшил рангли нуқтаси «Сичқон» курсори ёрдамида билан боғланади ва ҳаракатга келтирилади. Шунда объект ўзининг маркази атрофида айлана бошлайди (4-расм).

4. **«Автофигуры»** ускунаси ёрдамида, чизма чизишда керак бўладиган бирлаштирувчи чизиқлар, турли хил фигуралар, фигурали стрелкалар, блок схема ва бошқа фигура ва расмлар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, цилиндр чизиш учун қуйидаги амал бажарилади: Автофигуры > основные фигуры > цилиндр (3 расм).



2-расм



4-расм

5. **«Линия»**- тўғри чизиқ ускунаси турли кесмалар ҳосил қилади.

6. **«Стрелка»** ускунаси ихтиёрий узунликдаги кесманинг бир учида стрелка ҳосил қилади.

7. **«Прямоугольник»** – тўғри тўртбурчак ускунаси ёрдамида ихтиёрий катталиқдаги тўғри бурчак чизиш мумкин.



3-расм

8. **«Овал»** ускунаси айлана, эллипс ва овал шакллар ҳосил қилиш учун мўлжалланган.

9. **«Надпись»** ёзув ускунаси ёрдамида чизмага матн киритиш мумкин.

10. **«Добавить объект WordArt»** – танланган объектга WordArt ёзувларини қўшиш, масалан, 4-расм.

11. **«Добавить диаграмму»** объектга диаграмма қўйиш учун қўлланилади (5-расм).

12. **«Добавить картинку»** – матнга расм киритиш учун мўлжалланган (6-расм).



5-расм



6-расм

чизилган кесмалар чизмага ўзгартириш киритилганда, бир-биридан ажралиб қолади.

2. Фараз қилайлик, 1-амалда тасвирланган кесма шундай бўлсин (8-расм).

8-расм

Унинг узунлигини ўзгартириш учун, у «Сичқон» билан ажратилади ва курсор унинг устига келтирилиб, «Сичқон»нинг чап тугмаси кетма-кет икки марта юкланади. Шунда экранда «Формат автофигуры-автофигуралар бичими» дарчаси пайдо бўлади, 9-расм. Ундаги «Размер-ўлчам» тугмаси юкланса, тўғри чизиқ жойлашган тўғри тўртбурчакнинг баландлиги ва эни, «Высота» ва «Ширина» дарчаларида мм ларда кўрсатилади. Ўтказилган кесма горизонтал бўлгани учун, унинг баландлиги 0-нолга тенг бўлади. Унинг эни эса, яъни узунлиги 2,75 см экан. Агар бу рақам ўрнига 10 рақами ёзиб киритилиб «ОК» тугмаси юкланса, ўтказилган кесма 100 мм бўлиб тасвирланиб қолади (10-расм).

13. «Добавить рисунок» - матнга расм киритиш учун мўлжалланган (7-расм).



7-расм

14. «Цвет заливки» – берк соҳага ранг бериш, масалан, 4-расм.

15. «Цвет линий» – чизиқларга ранг бериш.

16. «Цвет шрифта» ёзувларга ранг бериш.

17. «Тип линии» чизиқ йўғонликларини танлаш.

18. «Меню штрих» ускунаси штрих турларини танлашга ёрдам беради.

19. «Меню стрелки» ускунаси стрелка турларини танлашга ёрдам беради.

20. «Меню тени» ускунаси чизма сояларини танлашга ёрдам беради.

21. «Меню объем» ускунаси ҳажм катталиги ва турларини танлашга ёрдам беради.

Энди, энг оддий чизма примитиви – кесмани тасвирлаш, уни қисқартириш ёки узайтириш, уни вазиятини ёки ўрнини ўзгартириш, уни силжитиш, ундан нусха олиш ва унга ранг, тур, йўғонлик, ҳамда уни айлантириш ва кўринар ёки кўринмас ҳолатларда тасвирлаш каби амалларни, Word дастурининг «Рисование-расм чизиш» график редакторида бажариш имкониятини кўриб чиқайлик.

Масалан, узунлиги 100 мм бўлган горизонтал кесмани чизишни кўриб чиқамиз.

1. Бунинг учун тўғри чизиқ ускунаси «Сичқон» билан юкланади, шунда экранда «Создайте рисунок» дарчаси ва «+» ишорали курсор пайдо бўлади. Бу ишорани «Сичқон» билан боғлаб, таклиф этилган экран қисмида, яъни «Создайте рисунок» дарчаси соҳасида ёки ундан ташқарида, унинг чап тугмасини босиб турган ҳолда, бирор йўналиш бўйича, масалан, горизонтал йўналишда ҳаракатлантирилса, горизонтал кесма чизилиб қолади. Бу дарчада яратилган тасвирлар у билан биргаликда амалларда қатнашиши билан ноқулайликларга олиб келади. Шунинг учун уни экрандан йўқотиш зарур бўлади. Бунинг учун, стандарт ускуналар панелидаги охириги амалларни бекор қилиш-«Отменить» ускунаси юкланади ва натижада, очилган дарча экрандан йўқолиб, «+» ишорали курсор экранда қолади. Агар бирор ускуна тугмасини юклагандан аввал, график тасвирнинг бирор қисми ажратилган ҳолда бўлса, экранда «Создайте рисунок» дарчаси пайдо бўлмайди. Бироқ, бир неча кесма ёки шакллардан иборат чизма чизишда, бу дарчанинг бўлиши муҳим. Акс ҳолда, алоҳида тарзда



9-расм




10-расм

3. Кесманинг вазиятини ёки ўрнини ўзгартириш ва нусха олиш жуда осон бажарилади. Бунинг учун кесма ажратилади ва курсорни унинг бир учи билан боғлаб, «Сичқон»нинг чап тугмасини босган ҳолда керакли вазиятга кўчирилади ва «Сичқон» тугмаси бўшатилади. Шунда кесманинг иккинчи учи кўзгалмаган ҳолда у янги вазиятга келиб қолади, 11-расм. Бунда унинг узунлиги ҳам ўзгаради.

Агар шу амални бажариш жараёнида «Ctrl» тугмаси босиб турилса, кесманинг ўртасидаги нуқта кўзгалмас бўлади ва иккинчи учи ҳам кўзгалувчан бўлиб, кесма унинг ўрта нуқтаси атрофида айланиб, узунлигини ўзгартирмайди.

Кесмани берилган вазияти бўйлаб узайтириш ёки қисқартириш учун у ажратилади ва бирор учини курсор билан боғлаб, «Shift» тугмасини босиб турган ҳолда чўзилади. Натижада, кесма берилган вазиятини ўзгартирмаган ҳолда узайиб ёки қисқариб қолади (11-расм).




11-расм

Агар кесма-ни янги вазиятга, ўзига параллел бўлган ҳолда кўчириш керак бўлса, у

«Сичқон» билан ажратилади ва уни чап тугмасини кўтармаган ҳолда янги жойга кўчирилади. Шунда кесма дастлабки вазиятига параллел бўлиб, янги жойга кўчириб келади. Янги вазиятга кўчириш жараёнида «Ctrl» тугмаси босиб турилса, кесмадан нусха олинган бўлади (12-расм).

4. Кесмани бирор масофага силжитиш учун, у ажратилади ва ўнг, чап, пастга ва юқорига суриш



тугмаларидан фойдаланиб, тегишли томонга силжитилади.

Агар бир нечта чизиқларни биргаликда силжитиш лозим бўлса, уларни бир йўла тўртбурчак соҳага жойлаштириб ёки «Shift» тугмасини босиб турган ҳолда чизиқлар кетма-кет ажратилиб чиқилади. Бунда чизиқ компьютерда муқаддам ўрнатилган қадамга-масофага силжиб қолади. Бу жараёнида «Ctrl» тугмаси босиб турилса, кесма микронларга тенг бўлган масофада янги вазиятга аста-секин кўчиб келади.


5. Кесмага ранг, тур ва йўғонлик бериш учун у ажратилади ва уларнинг тегишли ускуна тугмалари юкланади. Ранг бериш ускунаси юклангач, таклиф этилаётган асосий ранглар намунаси пайдо бўлади, (13-расм). Ундан бирор ранг танланиб, «Сичқон»ни чап тугмаси юкланиб, ESC тугмаси кетма-кет икки марта юкланса, кесма шу танланган рангда тасвирланиб қолади.

Кесмага тур бериш учун, у ажратилади ва чизиқ турлари ускунасининг тугмаси юкланади. Экранда ҳосил бўлган чизиқ турлари намунасидан, (14-расм) керакли турини танлаб, «Сичқон»ни чап тугмаси юкланиб, ESC тугмаси кетма-кет икки марта юкланса, кесма шу турда тасвирланиб қолади.

Кесмага йўғонлик бериш учун, у ажратилади ва чизиқ йўғонлиги ускунасининг тугмаси юкланади. Экранда ҳосил бўлган чизиқ йўғонликлари намунасидан, (15-расм) керакли йўғонликни танлаб, «Сичқон»ни чап тугмаси юкланса, кесма шу йўғонликда тасвирланиб қолади.




6. Кесмани бирор бурчакка буриш учун, у ажратилади ва «Свободное вращение-эркин буриш» ускуна тугмаси  юкланади. Бу ускуна тугмаси «Рисование» ускуналар панели рўйхатида ҳам бўлиши мумкин. Кесманинг яшил рангдаги бирор учи «Сичқон» ёрдамида курсор билан боғланади ва ҳаракатга келтирилади. Шунда кесма ўзининг ўртасида ётган нуқтаси атрофида штрих чизиқ билан тасвирланиб, айлана бошлайди (16-расм). Агар бу амални бажариш жараёнида «Ctrl» тугмаси босиб турилса, кесма ўзининг иккинчи учи атрофида айланади, 17-расм. Бунда кесманинг узунлиги ўзгармайди.



7. График тасвирларни яшаш жараёнида бири иккинчисини тўсиб, яъни бири олдинги қатламда ва иккинчисини орқа қатламда тасвирлаш керак бўлади. Масалан, кесмада айлана кўринишида танлаб олинган нуқта қуйидагича тасвирланган бўлсин, яъни тўғри чизиқ нуқтани «ичидан» ўтган бўлсин, 18-расм:




Агар нуқтани ифодаловчи айланани олдинги қатламга-планга ўтказилса, унинг ичидан ўтувчи кесмани тўсиб қолади.



